КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2021-yil
14-yanvar
payshanba

№ 2 (4488)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz/@postdarasmiy

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Таъкидлаш керакки, миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир. Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч рахна сололмайди, демократик ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди.

Биз баҳодир ва довюрак ҳарбийларимиз билан – ўзининг муқаддас қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

2

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш ва нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик ва она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ Ички ишлар органлари ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.**

2

*Жасорат, садоқат, мардлик шиори,*
*Касбидан юракда бор ифтихори,*
*Ватан деб жўш урар кўксида ори,*
*Шерюрак ўғлонлар, сизларга таъзим,*
*Тинчликка посбонлар, сизларга таъзим.*

*Муқаддас Ватанда азиздир инсон,*
*Қалбларда шижоат, тинчлик ҳукмрон,*
*Сиз борсиз, эл шодон, мусаффо осмон,*
*Эй, марду майдонлар, сизларга таъзим,*
*Довруғи достонлар, сизларга таъзим.*



3

# Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам ТАБРИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган кўркмас ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг ота-оналарига, шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртоқлари билан баҳам кўриб келаётган меҳрибон ва сабр тоқатли рафиқаларига улкан миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг тимсолингизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кучни кўрамиз. Бугунги улуғ айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб ҳиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим – ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. Энг муҳими, «Армия ва халқ – бир тану бир жондир» деган улуғ ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида, бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республикамиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Албатта, ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кутилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ – чин вазифангиздур», деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва қутқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имкони беради.

Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Паҳлавон ва ботир ўғлонларимиз халқаро ҳарбий-ўқув машғулотлари, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, ғалабага бўлган иродасини яққол намойиш этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

Муҳтарам ватандошлар!

Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттирапмиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. 3 мингдан зиёд ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мингдан ортиқ фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олишлари учун давлат грантлари ажратилди.

Ҳеч шубҳасиз, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб бердик.

Янги Ўзбекистонда ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидойи ва жонкуяр инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшашлари учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар этамиз.

Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Ҳурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш – бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан сиз, азизларни ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эҳтироми сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

# МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Гиясов Фаррух Камалитдинович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**«Жасорат» медали билан**

**Янгибоев Хусниддин Имомқулович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси инспектори

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Джалилов Акмал Саттарович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси 2-жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

**Жалолов Аслиддин Мухиддинович** – Жиззах вилояти Мирзачўл тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Казимов Эркин Исраилович** – Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Муратов Руслан Ихласович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш махсус отряди бош мутахассиси

**Сафаев Юсупбай Хужабаевич** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Хидиров Шаҳриддин Эргашович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Эрматов Хусан Абдуманапович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий сафарбарлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**«Соғлом турмуш» медали билан**

**Касимова Гулчехра Мирвалиевна** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали терапевт шифокори

**«Шуҳрат» медали билан**

**Ахмедов Фарход Хабибуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Жалилов Рафиқжон Кулдашевич** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

**Кенжаев Шокиржон Хусанович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Тожимаматов Шоятбек Абдирахмонович** – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

**Эргашев Асқар Тураевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Нукус» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони назоратчиси

**Юсупов Алимардон Убайдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

# ВАТАН ҲИМОЯСИ – ШАРАФЛИ ВА МУҚАДДАС БУРЧ



**Ички ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Вазирлик соҳавий хизматлар раҳбарлари, мукофотланганлар иштирок этган тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижроси билан бошланди. Шундан сўнг Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов йиғилганларни байрам билан қутлаб, жумладан, шундай деди:

– Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу қутлуғ сана муносабати билан йўллаган байрам табриги оммавий ахборот воситалари орқали ўқиб эшиттирилди. Аввало, мазкур табрик Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз Қуролли Кучларига берилган юксак баҳо ва билдирилган ишонч ифодаси бўлиб, мамлакат мудофаа тизимининг стратегик йўналишларини белгилаб бериши билан аҳамиятлидир.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда, ички ишлар органларининг фаолияти ҳам тубдан ўзгариб, асосий эътибор тизимни халқ манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга қаратилмоқда.

Ишончим комилки, ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари бундан буён ҳам ҳар қандай вазиятда шарафли бурчларига содиқ қолиб, Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб, бу йўлда бор билим ва куч-ғайратларини сафарбар этиб, доимо халқимиз ва Президентимиз ишончига муносиб бўладилар.

Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Президент фармонига кўра тақдирланган ички ишлар органлари ходимларига давлат мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Тадбир давомида жамиятда тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали хизматлари учун бир гуруҳ ходимлар Ички ишлар вазирининг буйруғига кўра «Аъло хизматлари учун», I, II ва III даражали «Бенуқсон хизмалари учун» кўкрак нишонлари, эсдалик қўл соатлари билан тақдирланди. Шунингдек, бир неча ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвонлари ҳам топширилди.

Тадбир якунида мукофотланганлар сўзга чиқиб, ўз дил сўзларини изҳор этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## Сўз – мукофотланганларга:

**«Шуҳрат» медали соҳиби, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, полковник Рафиқжон Жалилов:**

– Йилдан-йилга кенгайиб, транспорт оқими ошиб бораётган пойтахтда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада жаҳоннинг илғор давлатлари тажрибаси татбиқ қилиняпти, соҳада замонавий инновацион технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бу ишларда йўл-патруль хизмати ходимлари фаол иштирок этмоқда.

Камтарин хизматларим эътироф этилиб, давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганимни эшитиб, кўнглим ғурур ва ифтихорга тўлди. Бу мукофот нафақат менга, пойтахтда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга бел боғлаган барча ҳамкасбларимга берилган, деб биламан. Билдирилган ишонч, юксак эътибор ва эътироф учун Президентимизга миннатдорлик билдираман.

* * *

**Вазирликнинг эсдалик қўл соати соҳиби, ИИВ Халқаро ҳамкорлик бошқармаси катта инспектори, капитан Бунёд Давронов:**

– 2020 йил бутун дунё давлатлари каби мамлакатимиз ҳам синовли даврни бошидан ўтказди. Бошқа давлатлар билан алоқалар сустлашди. Шундай бўлсада, вазирлигимиз бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидан борди. Кўплаб хорижий давлатлар ички ишлар вазирликлари билан видеоконференцалоқани йўлга қўйиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича тажриба алмашдик, илғор иш усулларини ўргандик. Билдирилган ишончни келгусида фидойи хизматим билан оқлашга ваъда бераман.

* * *

**«Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони соҳиби, ИИВ Ташкилий департаменти бош инспектори, подполковник Абдулазиз Қодиров:**

– 25 йилдан ошиқ вақт мобайнида ички ишлар органлари тизимида хизмат қилиб келяпман. Жиноятчиликка қарши курашга, халқимиз хотиржамлигини таъминлашга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Қутлуғ айём – Ватан ҳимоячилари куни шунча йиллик хизматларим эътироф этилгани, «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланганим мени янада бахтиёр этди. Бу рағбат мени янада шижоат билан хизмат қилишга, жиноятчиликка қарши муносиб курашишга ундайди. Вазирлик раҳбариятидан ғоят миннатдорман.



Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

# УНВОН МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

**Она Ватанимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қуйидаги ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвони берилди.**

**Ҳамкасбларимизни ушбу юксак унвон билан табриклаб, уларнинг юрт осойишталигини асрашдек шарафли ва масъулиятли хизмат фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.**

**Машарипов Рўзибой Раҳимович** – ИИВ Хоразм академик лицейи директори

**Хамдамов Улуғбек Абдумавлонович** – ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Рахматуллаев Музаффар Талгатович** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари

**Нишанов Маҳамаджон Садикжанович** – Андижон вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари

**Файзиев Олим Мардонович** – Бухоро вилояти ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи

**Хожанов Журабек Мамирович** – Жиззах вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Шамсиев Бобоқул Ҳожиевич** – Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича ўринбосари

**Раҳматов Фахриддин Умарович** – Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Кадрлар бошқармаси бошлиғи

**Ахмедов Атамурад Бахтиярович** – Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИОФМБ бошлиғи

**Садиров Азиз Сирожиддинович** – Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ бошлиғининг ўринбосари

**Тўхтасинов Иқболжон Иномжонович** – Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

**Миркамилов Миралишер Шавкатович** – ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Эргашев Фархадбек Абдисаломович** – ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

ТАДБИР

## ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН

**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан барча жойларда бўлгани каби Ички ишлар вазирлиги Марказий аппаратида ҳам қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг бир гуруҳ ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган навбатдаги тадбирда Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Рустам Хатамов қатнашди.**



Тадбирда сўзга чиққан полковник Рустам Хатамов барчани байрам билан самимий қутлаб, ўқувчи-ёшларни кўпроқ ўқиб изланишга, бугунги шиддатли ва тезкор давр билан ҳамнафас бўлиб, мунтазам равишда билим ва интеллектуал салоҳиятни ошириб боришга ундади.

Шундан сўнг шахдам қадамлар билан саф майдонидан ўтган ўқувчи-ёшлар ИИВ Ички ишлар органлари тарихи музейига ташриф буюриб, экспонатлар билан яқиндан танишдилар.



– Бугунги тадбир орқали ички ишлар органларига оид энг муҳим маълумотларга эга бўлдим, – дейди мактаб-интернат ўқувчиси Бобур Шукуров. – Айниқса, музейдан олган таассуротларим ўзгача аҳамият касб этди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбир барча иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Навоий вилояти ИИБда шахсий таркибни ижтимоий ҳимоя қилиш, ходимларнинг яшаш ва хизмат шароитларини яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017–2019 йиллар давомида 138 та хизмат уйлари қурилиб, уй-жойга эҳтиёжи юқори бўлган, фаолияти давомида жасорат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳамда ҳамкасблари орасида алоҳида намуна кўрсатган ходимларнинг оилаларига топширилди. Шунингдек, имтиёзли ипотека кредити асосида 5 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар қурилган.**

## СОҲА ФИДОЙИЛАРИГА МУНОСИБ ТУҲФА





Жорий йил 13 январь куни янги бунёд этилган навбатдаги уй-жойларнинг фойдаланишга топширилгани осойишталик посбонлари учун муносиб туҳфа бўлди. Зарафшон шаҳрининг Матонат кўчасида қад ростлаган 5 қаватли, 30 хонадондан иборат кўркам ва файзли уй-жой ходимларга топширилди. Замон талабларига тўла жавоб берадиган хонадонлар кенг ва ёруғ бўлиши билан бирга, барча қулайликларга эгадир.

– Меҳнатларим юксак баҳоланиб, замонавий технологиялар асосида барпо этилган янги хонадон соҳиби бўлганимдан бахтиёрман, – дейди Зарафшон шаҳар ИИБ ходими, сафдор Шаҳбоз Саъдуллаев. – Ёш оила бўлсак-да, турмуш ўртоғим билан ижарада яшаш бизга анча қийин кечаётган эди. Олти йиллик иш фаолиятим давомида хонадонма-хонадон кўчиб юришга тўғри келди. Шукурким, бугун барча машаққатлар ортда қолди. Бундай ғамхўрликдан бошим осмонга етди. Бунинг қадрига етиб, раҳбарият ишончини оқлаб, Ватанимга садоқат билан хизмат қилишга ваъда бераман.

Ўз тақдирини она юрт тақдири билан узвий боғлиқ деб биладиган фидойи ходимлар хизматидан халқимиз мамнун. Айниқса, уларнинг таҳликали эпидемиологик вазиятда карантин талабларига риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширган мардона саъй-ҳаракати, фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш борасида ўз ҳаётини хавф остида қолдириб кўрсатган жонбозлиги таҳсинга лойиқдир. Соҳа вакиллари учун энг юксак бахт аслида халқ ишончи ҳамда дуосидир!

**Завқиддин ХЎЖАНОВ,**
**подполковник.**
*Навоий вилояти.*



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

## ИШ РЕЖАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизматининг хабар беришича, жорий йилнинг 6 январь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.**

Комиссия аъзолари ҳамда ходимлари иштирок этган мажлис кун тартибидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Миссиясининг Ўзбекистонда 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловларни кузатиш юзасидан тавсиялари, МСКнинг 2020 йилнинг иккинчи ярмидаги фаолияти натижалари ва 2021 йилнинг биринчи ярми учун иш режасига оид ҳамда Комиссия фаолиятини янада такомиллаштиришга доир айрим низомлар лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалалар жой олди.

Жорий йилда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа – Президент сайловлари ўтказилади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларни миллий қонунчилик ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида юқори даражада ташкил этишга ҳозирдан алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда ўтган сайловларда орттирилган миллий тажриба ҳамда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётига татбиқ этиш ишлари муҳим ўрин тутади.

ЕХҲТ Бюросининг «Янги Ўзбекистон – Янги сайловлар» шиори остида ўтган парламент сайловларини кузатган тўлақонли миссиясининг якуний ҳисоботида мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги бир қатор ижобий ўзгаришлар эътироф этилган. МСК қарори билан якуний ҳисоботда билдирилган тавсияларни атрофлича ўрганиш ва мақбулларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти ва Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот хизмати тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси – Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан» журнали тўғрисидаги низом ҳамда унинг таҳрир ҳайъати таркиби тасдиқланди. Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг идоравий архивига оид, ҳужжатларнинг қийматини аниқлаш ва уларни доимий сақловга топшириш бўйича эксперт комиссиясига доир низомлар ҳам тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йилнинг иккинчи ярмидаги фаолияти натижалари батафсил таҳлил этилиб, 2021 йилнинг биринчи ярми учун иш режаси тасдиқланди.

**Ўз мухбиримиз.**

ХАВФСИЗ ТУРИЗМ

# АСОСИЙ МАҚСАД: САЙЁҲЛАР ХОТИРЖАМЛИГИ

2020 йилда Самарқанд вилоятига 183 та хорижий мамлакатдан 949 556 нафар сайёҳ ташриф буюрди



**Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини ошириш, туризм намойиши объектлари, зиёратгоҳлар ва бошқа диққатга сазовор жойларни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш, хорижий сайёҳларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга қўшимча қулайликлар яратиш борасида вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.**

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ўтган давр мобайнида Самарқанд вилоятига 183 та хорижий мамлакатдан 949 556 нафар сайёҳ, 528 та хорижий давлатлар ҳамда нодавлат халқаро ташкилотларнинг (ЕИ, БМТ, МДҲ, ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотлар) делегациялари ташриф буюриб, унда 10570 нафар меҳмон иштирок этди. Вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси томонидан делегация вакилларини кутиб олиш, хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш ишлари амалга оширилиб, ташриф давомида кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўйилмади.



Бошқармаси ходимлари хорижлик ва маҳаллий сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишдан ташқари, жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этишда ҳам фидойилик намуналарини кўрсатмоқда. Жумладан, 2017–2020 йиллар давомида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан 18 та жиноят фош этилиб, 38 та жиноят аниқланди. Шунингдек, жиноят содир этганлиги учун қидирув эълон қилинган шахслардан 31 нафари ушланиб, ноқонуний сақланаётган 8 та ов қуроли аниқланди. Бундан ташқари, йўл-патруль хизмати ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ташриф объектлари ва уларга туташ ҳудудларда ҳуқуқбузарлик содир этган 1572 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Шу ўринда ходимлар томонидан сайёҳларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг маданияти ва меҳмондўстлик фазилатларини юксалтириш мақсадида жойларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилаётганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Бошқарма ходимлари республикамиз бўйлаб ўтказиб келинаётган халқаро фестиваллар, конференциялар, форум ва анжуманларда жамоат тартибини сақлаш ва чет эллик меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларида намунали иштирок этиб, юртимизнинг хавфсиз ҳудуд сифатидаги имижини оширишда фаол қатнашиб келмоқда.

Хусусан, «Халқаро бахшичилик фестивали», «Халқаро ҳунармандчилик фестивали», «Ипак йўлида туризм» халқаро ярмаркасида, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестиваллари каби дунёнинг 130 дан ортиқ давлатидан меҳмонлар иштирок этган тадбирларни юқори савияда ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ишларида бошқарма ходимлари муносиб иштирок этиб, ички ишлар органларининг нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Абу КЕНЖАЕВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

# «КАСБИМНИ СЕВАМАН»

**...Мактабдан қайтаётган ўспириннинг кўзи йўлда кетаётган фуқарога кутилмаганда ташланиб қолган икки зўравонга тушди. Жабрланувчининг ҳамёнини тортиб олиб, энди жуфтакни ростлаётган жиноятчиларни осойишталик посбонлари зудлик билан қўлга олди. Ушбу ҳолатни кузатиб турган Умиджоннинг юрагида бир ажиб ҳис пайдо бўлди. Бу ички ишлар органлари ходими бўлиш орзуси эди...**

Катта сержант Умиджон Иноятовнинг соҳага бўлган қизиқиши ана шундай бошланди. У жабрдийда бир фуқаронинг манфаатини ҳимоя қилган ички ишлар органи ходимларига ҳурмати ошиб, ушбу касбни танлашга қарор қилди.

Эзгу ниятлар оғушида мактабни муваффақиятли тамомлаган Умиджон йигитлик бурчини ўташ учун армия сафига отланди. Уч йил мобайнида ҳарбий-денгиз флотида хизмат қилган қаҳрамонимиз она Ватан осойишталигини таъминлаш муқаддас бурч эканлигини янада теранроқ англади. Шу боисдан ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳеч иккиланмасдан Бухородан пойтахтга келиб ички ишлар органига хизматга кирди.

Умиджон Иноятов, йигирма олти йилдирки, Тошкент темирйўл минтақасида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси патруль-пост хизматида фаолият олиб бормоқда. Асосий хизмат вазифаси йўловчилар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлган фидойи ходим ҳозирги кунда «Тошкент» марказий вокзалида хизмат қилмоқда.

Эътиборли жиҳати, катта сержант Умиджон Иноятов бирор марта ҳам интизомий жазога тортилмаган, аксинча, бир неча маротаба раҳбарият томонидан рағбатлантирилган. Шу сабабли ҳам барча ҳамкасблари уни «жамоамиз фахри» дея ҳурмат қилади.

– Узоқ йиллик хизматим мобайнида ҳеч қачон касбимга хиёнат қилмадим, унинг номини сотиб, тамагирлик йўлига кирмадим, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Халқимиз ва Президентимизга қилган қасамёдимга содиқ қолиб, шарафли касбимга доғ туширмасликни бурчим деб билдим.

Дарҳақиқат, қуйидаги воқеа бунинг яққол тасдиғидир.

...Тунги хизматга жалб қилинган катта сержант Умиджон Иноятов ўз ҳудудини назорат қилар экан, темирйўл ёқасидаги светофор олдида юрган шубҳали шахсга кўзи тушди. Сездирмасдан яқинлашган осойишталик посбони уни айни жиноят устида, яъни светофорнинг электр симларини кесиб олиб кетмоқчи бўлган пайтда қўлга олди. Бу кимса қилмишини яшириш мақсадида ходимга пора таклиф қилди. Аммо пул учун виждонини сотмаган У.Иноятов қонунбузарлик ҳақида навбатчилик қисмига хабар бериб, яна бир жиноятни «иссиқ изида» фош этди.



У.Иноятовнинг хизматдаги ютуқларида устози – истеъфодаги катта сержант Жаҳонгир Адиевнинг ҳиссаси катта. Эндиликда унинг ўзи ҳам кўплаб шогирдларнинг устози, мураббийи. Шу билан бирга, қаҳрамонимиз турмуш ўртоғи билан икки ўғил ва бир қизни вояга етказишмоқда.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ТЎМАРИС ИЗДОШЛАРИ

# САБОТИ СИНАЛГАН САБОҲАТ

**Бугун юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор барча соҳаларни кенг қамраб олган. Хусусан, ички ишлар органларида сидқидилдан хизмат қилиб, эл-юрт осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганлар сафида аёлларнинг борлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Касбига садоқатли ана шундай дилбар аёллардан бири кичик сержант Сабоҳат Саидаҳмедовадир. У ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари «Бухоро» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальонида кадрлар бўлинмаси катта техник масъул ижрочиси лавозимида хизмат қилмоқда.**



Сабоҳат Бухоро юридик коллежида ўқиб юрган йиллардаёқ ҳарбий хизматчи бўлиш, она Ватан тинчлик-осойишталигига ҳисса қўшиш орзусида эди. Ота-онасининг раъйига қараб, мутахассислиги бўйича шаҳардаги «Гулистон» меҳмонхонасининг кадрлар бўлимида бир муддат ишлаган Сабоҳат ниҳоят ниятига эришди, яъни мудофаа ишлари бошқармасида мутахассис лавозимида ишга қабул қилинди.

2005 йили ҳозирги хизмат олиб бораётган ҳарбий қисмда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган танловда муваффақиятли қатнашиб, шу йили шартнома асосида ҳарбий хизматга чақирилди. Ҳарбий қисмда фаолиятини бошлаган С. Саидаҳмедова зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажарар, устозларининг ўгитлари ва йўл-йўриқларига доимо амал қиларди. Шунинг учун ҳам соҳанинг ўзига хос жиҳатларини тезда ўзлаштириб, жамоада обрў-эътибор қозонди, раҳбарият назарига тушди. 2018 йилда унинг шижоатини, чаққонлигини инобатга олиб, кадрлар бўлинмаси катта техник масъул ижрочи лавозимига ўтказишди. Бу лавозимда ҳам самарали ва ибратли фаолият кўрсатиб, ҳамкасблари ҳамда ёшларга намуна бўлмоқда. Хизмат жараёнида эришаётган ютуқлари боис муносиб рағбатлантирилмоқда.

– Фаолиятим давомида нимагаки эришган бўлсам, барчасида устозларимнинг хизмати зоҳир деб биламан. Айниқса, истеъфодаги катта сержант Юсуф Раҳмонов ва капитан Муҳаммадали Дадажоновларнинг менга сингдирган тажрибаларини юксак қадрлайман. Улар ўзим севган касбнинг сир-асрорларини ўргатибгина қолмай, юртдошларимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратимни, билимимни ишга солишимни қайта-қайта уқтирарди. Шуларга амал қилиб, кам бўлмадим, – дейди лавҳамиз қаҳрамони.

– Кичик сержант Сабоҳат Саидаҳмедова талабчан, изланувчан ва энг муҳими, тартиб-интизомга қаттиқ риоя қиладиган намунали ходимларимиздан бири, – дейди қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, майор Шерзод Ниёзов. – У ўз касбини яхши кўради, вазифаларини чуқур билади, пухта бажаради. Фақатгина хизмат билан чекланиб қолмайди, жамоатчилик ишларида ҳам фаол. Аёллар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларида, айниқса, шахмат, шашка ва мерганлик беллашувларида фахрли ўринларни эгаллаб келяпти. Вилоят «Динамо» Жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг бир неча марта фахрий ёрлиқларини олган. Шунинг учун жамоамизда ҳамма уни ҳурмат қилади, доимо фахр билан тилга оламиз.

Сабоҳат оилада суюкли ёр, меҳрибон она. У хизмат вазифасини тўла-тўкис бажариш билан бирга, рўзғор юмушларига ҳам улгуради. Қолаверса, тадбиркорлик билан шуғулланадиган турмуш ўртоғи Раҳмат Жумаев унга суянч ва юпанч бўлиб келяпти. Энг муҳими, у юрт осойишталигини таъминлашга озми-кўпми ҳисса қўшаётганидан ҳамиша бахтиёр.

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққату қийинчиликлари бўлади. Шуни тўғри англаган кишигина барча синовларга бардош бериб, меҳнатидан ҳузур-ҳаловат топади. Бундай инсоннинг ҳаёти сермазмун, баракали бўлади. Лавҳамиз қаҳрамони хизматидан, оиласидан бўш пайтларида бадиий адабиётлар мутолаа қилади. Ҳатто уйида мўъжазгина кутубхона ҳам ташкил қилган. Фарзандлари қалбида ҳам китобга, китобхонликка меҳр уйғотишга интилади. Шунингдек, ҳарбий қисм хотин-қизлар кенгашига раислик қилаётган Сабоҳат хизматдаги хотин-қизларнинг оила аъзолари билан тез-тез учрашиб, муаммоларининг ўз вақтида ва самарали ҳал этилишига амалий ёрдам беради.

Қисқаси, кичик сержант Сабоҳат Саидаҳмедова хизматга ҳеч қачон юзаки ёндашмайди, қўл учида ишламайди. Ишдан, рўзғор ташвишидан нолимайди. Оила, рўзғорни бадастир тутиб, шарафли касбнинг масъулиятли юкини елкасида сабот билан кўтариб келяпти. Шу боис ҳам унга ҳамма ҳавас қилади.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

ХИЗМАТЛАРДА

# БИРИНЧИ ГАЛДА – ХАВФСИЗЛИК

Қашқадарё вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси карантин бўлинмаси ходимлари аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Чунончи, хавфли касалликка чалинган ҳайвонларни аниқлаб, зарарсизлантириш, чорва молларини эмлаш, вилоятга олиб кирилаётган ва олиб кетилаётган гўшт ҳамда ундан тайёрланган маҳсулотлар яроқлилигини текшириш билан бирга, мазкур йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тегишли тадбирлар олиб бориляпти.




Вилоят ҳудудидаги «Умакай», «Мингчинор» ва «Ширинбулоқ» ЙПХ масканларида карантин постлари ўрнатилган. Ушбу постларда бўлинма ходимлари мутасадди соҳа вакиллари билан биргаликда узлуксиз назорат-кузатув ишларини олиб боришяпти. Бундан ташқари, вилоятдаги истеъмол бозорларига сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз ҳайвон гўштлари ва хомашёлар кириб келиши, чиқиб кетиши ва сотилишининг олдини олишга қаратилган махсус тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Бу жараёнда йўл-патруль ва бошқа соҳавий хизматлар ҳамда вилоят ветеринария бўлими билан ҳамкорликда иш юритилаётгани фаолиятда самарадорликка эришишнинг асосий омили бўлаётир.

– Ўтган йилда ЙПХ масканларидан тегишли ветеринария ҳужжатларисиз олиб ўтилаётган гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан боғлиқ 11 та ҳолат аниқланди, – дейди бўлинма командири, катта сержант Нурбек Қулмуродов. – Вилоят озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги микробиология ва ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари хулосасига кўра, истеъмолга яроқсиз деб топилган 3365 килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотлари тегишли тартибда йўқ қилинди.

2020 йил 6 октябрь куни соат 01:00ларда карантин бўлинмаси ходими, сафдор Н.Шодмонов «Умакай» ЙПХ масканида Қарши шаҳрида яшовчи Н.С. бошқарувида бўлган «Эсперо» русумли автомашинани тўхтатиб, юкхонасини кўздан кечирганида, ветеринария ҳужжатларига эга бўлмаган оғирлиги 200 килограммга яқин мол гўшти борлиги аниқланди. Экспертиза лабораториясида текширилганда, гўшт маҳсулотлари истеъмолга яроқсизлиги маълум бўлди.

Ветеринария бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, маҳсулотлари сақланадиган, етиштириладиган маскан ва хонадонларда назорат-кузатув ишлари амалга оширилди. Текширувлар давомида куйдирги, оқсил, қутуриш каби юқумли касалликларга қарши чорва молларини эмлашда карантин ходимлари ҳам бевосита иштирок этиб, ижроси таъминланди. Ушбу жараёнда қутуриш касаллигига чалинганликда гумон қилинган дайди итлардан 2350 таси тутилиб, тегишли идораларга топширилди.

Карантин хизмати ходимлари мол бозорларида профилактика инспекторлари ва ветеринар мутахассислар билан бирга назорат-кузатув ва тушунтириш ишларини амалга оширишмоқда. Мол сақлаш қоидасини бузган, тирик чорва молларини ташишда қоидабузарликка йўл қўйган, ветеринар кўригидан ўтмасдан гўшт, сут маҳсулотларини ташиган фуқароларга нисбатан тегишли тартибда маъмурий чоралар қўлланилмоқда.

Соҳавий хизмат ходимлари вилоят ҳудудида ўтказилаётган турли оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Қашқадарё вилояти.*

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ХИЗМАТИНГДА ТУРГУМДИР ШАЙ

**Ватан ҳимоячиси бўлиш эр йигит учун шарафдир. Аскар бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтганидан сўнг тантанали қасамёд қабул қилади. Аскар қасамёдида «Ўзбекистон Республикасига садоқат билан хизмат қиламан!» деган улуғ калом мужассам.**

Ҳеч кузатганмисиз? Қасамёд сўзларини тилга олган ҳар бир аскар вужудида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Аскарнинг Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ўзгача жаранглайди. Қувонарлиси, хизмат ўтаётган бу алпқомат ўғлонлар мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, юртимиздаги лицей ва коллежларда таълим-тарбия олган билимли ўғлонлардир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул Қўшинларига қарашли подполковник С. Азимов командирлик қилаётган 7531-ҳарбий қисмда кўплаб истеъдод эгалари бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни учратиш мумкин. Улар учун барча шароитлар яратилган: спорт майдончаси, замонавий кутубхона, компьютер хонаси, янги таъмирдан чиққан маданият ва маърифат хоналари ҳарбийлар ихтиёрида. Аскарлар ушбу шароитлардан унумли фойдаланиб, билим ва кўникмаларини муттасил ошириб бормоқда.

Маълумки, муддатли ҳарбий хизматга аскарлар республикамизнинг турли вилоятларидан келишади. Хизмат мобайнида бир-бирлари билан яқиндан дўстлашадилар. Кўпинча ушбу ришталар мангу давом этади.

Мақола ва суратли лавҳалар тайёрлаш мақсадида ушбу ҳарбий қисмга борганимизда, буларнинг барчасига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Кутубхона қошидаги кенг ва ёруғ, шинам синфхонада бир неча аскар дарс қилиб ўтиришган экан. Киришимиз билан улар илдам жойидан туриб, ҳарбийча салом беришди. 2000 мингдан зиёд китоб жамланган ушбу зиё масканида бадиий, сиёсий, ҳуқуқий, тарихий ҳамда ҳарбий йўналишдаги адабиётлар тартиб билан жойлаштирилган. Шунингдек, бу ерда тарих, математика, физика ва химия каби мактаб дарсликларидан ҳам олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўраётган аскарлар бемалол фойдаланиши мумкин.

Кутубхона билан танишиб, синфхонадаги аскарларни кузатдик. Улар мустақил дарс тайёрлаётган экан. Ҳарбий қисм маданият саройига яқинлашганимизда эса, куйга ҳамоҳанг янграётган сеҳрли овоз бизни мутаассир этди. Бу ерда бир неча аскар ижод билан банд эди. Авж пардаларда янграётган операни эшитиб, фонограмма бўлса керак, деб ўйладик. Чунки машҳур итальян операчиси Лучано Павароттининг «O sole Mio» қўшиғи профессионал даражада ижро этиларди. Операни тинглаганимиз, бу истеъдод соҳиби билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманилик муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Абдурайим Умирзақов 1998 йил 4 январда туғилган. Оилада иккинчи фарзанд. Отаси Қуватбай Қалимбетов овулдаги фермер хўжалиги тракторчиси. Онаси Саргул Пилепесова уй бекаси. Абдурайим Нукус маданият коллежининг эстрада хонандалиги йўналишини тугатган. Мусиқа билим юртида ўқиётган кезлари лицей ва коллежлар ўртасида ўтказилган «Ёш ижрочилар» республика кўрик-танловида фахрли 2-ўрин соҳиби бўлган. Ўқишни муваффақиятли битириб, Қорақалпоғистон Республикаси «Аму Тўлқини» фольклор-этнографик ансамбли солисти, Кегейли туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида эстрада хонандалиги бўйича ўқитувчилик қилган.

– Ҳарбий хизмат ҳар қандай йигитни чинакамига чиниқтиради, – дейди биз билан суҳбатда оддий аскар А. Умирзақов. – Мустақил бўлишда, билим ва дунёқарашнинг кенгайишида ҳарбий хизматнинг ўрни бўлакча экан. Аскарлик ота-онанинг, яқин-қариндошларнинг қадрига етишни ҳам ўргатди. Мен бу ерда хизмат ўтаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Келажакдаги орзуларим бир дунё. Опера санъатига жуда қизиқаман. Таниқли операчи Муслим Магомаев ижодини ўрганиш менга завқ бағишлайди. Бундан ташқари, ҳамюртим, Женисбек Пиязов каби машҳур операчи бўлишни хоҳлайман. Хизматдан сўнг Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кириш истаги ҳам йўқ эмас.



Оддий аскар А. Умирзақов ўзи хизмат қилаётган ҳарбий қисм номидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг ИИВ Қоровул Қўшинлари қўмондонлиги бўйича ўтказилган танловда фахрли 1-ўрин соҳиби бўлган.

Абдурайим Умирзақовнинг ҳамроҳи билан суҳбатимиз ҳам мароқли бўлди.

– Мен мазкур ҳарбий қисмнинг 2-батальон 1-гуруҳ 2-секция ўқчиси, муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Сардор Расулов бўламан, – дея ўзини таништирди у. – 1999 йилда Андижон шаҳрида туғилганман. Оилада тўнғич фарзандман. Отам Андижон шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўқитувчи. Онам ҳам таълим соҳасида ишлайди. Мактаб давримдан бадиий адабиётга қизиқиб, шеърлар ёзиб тураман. Халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф шеърлари шайдосиман. Кўплаб шеърларини ёддан биламан. Ёзаётган машқларимнинг аксарияти она Ватанни улуғлаш, унинг осудалиги йўлида кечаю кундуз хизматга шай турган ҳарбийлар ҳақида. Келажакдаги бирдан-бир орзуим – офицер бўлиш. Хизматдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясига ҳужжат топшириб, ўқишни давом эттираман. Яқинда бизни пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонига саёҳатга олиб боришди. У ерда қад ростлаган ҳайкаллар худди тирикдек, ташриф буюрувчиларга қараб турибди гўё... Қайтиб келгач, «Хотира» деб номланган шеър ёздим.

Ҳарбий қисмдан қайтарканмиз, Ўзбекистон иқтидорли ёшлар Ватани эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик...

Қуйида оддий аскар Сардор Расуловнинг ижод намунасини сиз муштарийларимизга ҳам илиндик.

**ВАТАН**

*Ватан агар замин бўлса,*
*бўлгум унга чароғбон,*
*Ватан агар осмон бўлса,*
*суянчдирман булут бўлиб.*
*Мард ўғлонлар жони қалқон,*
*юрт бўлсин деб, тинчу омон,*
*Ноғоҳ мени ўғлим деса,*
*парвоздаман бургут бўлиб.*

*Ватан обод макон бўлса,*
*яшайдирман шоду хандон,*
*Ватан агар она бўлса,*
*хизматида тургумдир шай.*
*Ватан агар ота бўлса,*
*савлатига фидо бу жон,*
*Ватан агар фарзанд бўлса,*
*улғайтирай гард юқтирмай.*

**Абу КЕНЖАЕВ,**
**«Postda» фотомухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...

# ЯНГИ ДАВР РУҲИ АКС ЭТГАН

**Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, назаримда, ҳар биримизнинг қалбимизга янги давр руҳини олиб кирди. Эртанги кунга ишонч билан яшашга, аниқ мақсадлар сари дадил интилишга, илғор ғоя ва ташаббусларни ҳаётга кенг татбиқ этишга ундади. Айниқса, юртимизда инсон манфаатлари, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди. Буни мамлакатимизда Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнларда ҳам яққол сезиш мумкин. 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга фуқароликнинг тўғридан-тўғри берилиши натижасида 50 минг нафардан ортиқ шахс бу бахтдан масрур бўлди.**



Президентимиз ўз маърузасида 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри фуқаролик беришни таклиф этди. Бу билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш бахтига муяссар бўлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари «Бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартиби жорий қилинади,» дея таъкидлаб ўтди. Бу йиллар давомида шу орзу билан яшаётган минглаб кишилар учун чинакам янгилик бўлди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қадр-қимматини оширишга бўлган бундай юксак эътибор ҳар бир кишини шу юрт, шу замин учун фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

Мурожаатнома Хоразм вилояти ИИБ М ва ФРБ шахсий таркиби ўртасида ҳам кенг муҳокама этилиб, аниқ мақсадли вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, ҳудудларда ўтказилаётган учрашувларда унда таъкидланган вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди.

Хуллас, Мурожаатномада белгилаб берилган муҳим вазифаларни амалга оширишда ташаббускор бўлишга, касбий маҳоратимизни, ғайрат-шижоатимизни ушбу ислоҳотлар жараёнида янада кенгроқ намоён этишга ҳаракат қиламиз.

**Азизбек ЎРИНОВ,**
**Боғот тумани ИИБ М ва ФРБ бошлиғи, капитан.**

*Хоразм вилояти.*

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ФАРЗАНДЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРГА ЎРГАТИШ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ





**Фарзандларини ёшлигидан мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш ҳар бир ота-онанинг вазифасидир. Боланинг нотўғри хатти-ҳаракати ёки буюрилган ишни кўнгилдагидай қилиб бажара олмаслиги учун койийвериш унинг фикрини очиқ-ойдин баён эта олмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ота-она болаларидаги камчиликларни биргаликда бартараф этишга ҳаракат қилиши, гоҳида озгина муваффақиятини ҳам муносиб рағбатлантириб туриши унинг келажакда ўзига бўлган ишончи ортишига хизмат қилади.**



Инсон улғайгани сари орзу-умидлари ҳам, табиийки, муаммолари ҳам улканлашиб бораверади. Шундай пайтлар бўладики, шошилинч равишда бир қарорга келиш талаб этилади. Ҳар бир инсон жиддий қарор қабул қилиши учун дуч келадиган биринчи танлов касб танлашдир. Зеро, касб фақатгина пул топиш, яъни даромад манбаи бўлиб қолмай, инсон ҳаётининг асосий қисмини сарфлайдиган фаолият ҳисобланади.

Мутахассис-психологлар бундай жиддий, масъулиятли қарор қабул қилишда фақатгина атрофдагиларнинг тавсиясига таяниш эмас, таҳлилнинг бошқа муқобил вариантларини ҳам қўллашни таклиф қилишади. Масалан, фарзандингизда қайси касбга қизиқиш юқори эканини психологик тестлар орқали аниқлашга ҳаракат қилишингиз мумкин. Бунинг учун сизга соҳа мутахассислари ишлаб чиққан профессионал тестлар керак бўлади. Тест натижаларини кўриб, фарзандим шу касбга ёки шу йўналишга қизиқади, деган якуний қарорга келишга ошиқманг. Чунки бу тестлар фақатгина маълум йўналишни белгилаб беради.

Биринчи навбатда, фарзандларингизнинг билимларини кенгайтиришига шароит яратиб беринг. Токи у турли касбий йўналишлар, истиқболли соҳа ва мутахассисликлар тўғрисида етарлича билим ва тушунчага эга бўлсин. Ҳар йили ўқувчиларни турли касбларга йўналтириш бўйича нашр қилиб бориладиган китоблар бу борада сизга яқин кўмакчи бўлиши мумкин. Уларда ҳаттоки ўқувчиларга таниш бўлмаган касблар билан ҳам танишиш мумкин. Эҳтимол, улардан бири сизнинг фарзандингиз танловидир.

Мактабни битираётган ўспиринлар кўпинча танламоқчи бўлган касбларининг фақат ижобий ёки салбий жиҳатларини кўришади. Шу боис ота-оналар фарзандларига кўп нарсаларни аниқлаштиришда ёрдам беришлари зарур. Юқори синф ўқувчилари учун олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган «Очиқ эшиклар» кунларида иштирок этиш ҳам фойдадан холи эмас. Танланган йўналиш бўйича ўқишга кира олмай қолган тақдирда тушкунликка тушмаслик, бошқа мақбул вариантларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, албатта. Лекин шу касб эгаси бўлишинг керак, деб мажбурлаши ҳам нотўғри. Аксинча, маслаҳатлари билан фарзандини қўллаб-қувватлаши, унга далда бўлиши зарур. Баъзи ота-оналар фарзандининг ўзларига армон бўлиб қолган касб эгаси бўлишини истайди. Ахир, фарзанд мустақил шахс, унинг ўз орзулари борлигини унутманг...

Бугун замон шиддат билан ўзгараётган давр. Ҳатто энг сўнгги технология ҳам инсонни ҳайратга солиши қийин. Чунки ҳар лаҳзада оламда бўлаётган ўзгаришлар шунчалик кўпки, ҳайрон қолишга улгуришнинг ҳам имкони йўқ. Бундай ўзгаришларнинг бевосита замонавий касблардан бирини танлаш билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Масалан, барча соҳалар автоматлаштирилса, инсонлар нима билан шуғулланади, қайси касб эгаси бўлсам, эртага у жамиятга фойдали бўлади, танлаган соҳам билан келгусида ишсиз қолмайманми, сўнгги вақтларда дунёда, жумладан, мамлакатимизда қайси соҳа жадаллик билан ривожланяпти, яқин келажакда қандай кадрларга эҳтиёж ортади, сингари саволлар кўпчилик ёшларда бўлиши табиий...

Мутахассисларнинг фикрича, 20–30 йилдан кейин ҳозирги баъзи касбларга умуман эҳтиёж қолмайди. Бу тобора шиддат билан ривожланаётган технология натижасида юзага келади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари тўлиқ автоматлаштирилаётган бир пайтда инсон ресурсига, баъзи касбларга талаб мутлақо йўқолади. Масалан, тўлиқ автоматлаштирилган таксилар ҳаётга татбиқ этилса, ҳайдовчиларнинг кераги бўлмайди. Демак, бу каби ҳолатлар келажакда кўплаб касблар истиқболини хавф остига қўяди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда оммалашаётган касблар ахборот технологиялари билан боғлиқ. Бу касбларга келгусида ҳам талаб ошса ошадики, асло камаймайди. Эътиборли жиҳати, уларни эгаллаш учун олий маълумот ҳам талаб этилмайди. Уч, олти, тўққиз ойлик ёки бир йиллик курсларда ўқишнинг ўзи етади. Мослашувчан касблар сирасига киргани учун ҳам талаб анча баланд бўлади.

Маълумки, Ўзбекистонга ҳам ахборот технологиялари жадаллик билан кириб келяпти. Шу боис дастурчиларга эҳтиёж ҳозирдан юқори ўринларда туради. Бундан шу нарса англашиладики, келажакда IT соҳаси бўйича мутахассисларга эҳтиёж янада ортади. Иқтисодчи, туризм бошқарувчиси, хизматлар соҳасидаги мутахассис бошқарувчилар ҳам керак бўлиши, шубҳасиз.

Масалан, Ғарбда 18–35 ёшдаги инсонларнинг 70 фоизи блогерларнинг ижтимоий тармоқлардаги изоҳларини ўқиб саёҳат режаларини тузишаркан. Маълумки, туризм ривожланаётган бир пайтда бу соҳани бошқарувчи менежерларга ҳам талаб юқори бўлади. Рақамли иқтисодиёт ҳам сифатли кадрларни қидиришга тушади. Инфляция, нарх-наво, лойиҳаларни молиялаштириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш каби масалаларни ҳал қиладиган мутахассисларни ҳар қадамда топиш амримаҳол. Сўнгги вақтларда бутун дунёда профессионал дастурчиларга эҳтиёж катта бўлмоқда. Банк-молия, халқаро иқтисодиёт, ахборот технологиялари, халқаро муносабатлар соҳаларини ўрганиш, мутахассисларнинг эътироф этишича, бундан кейин ҳам мавқеини сақлаб ва ошириб бораверади.

Германияда ёшларни касбга йўналтириш мактабдан, ҳатто боғчадан бошланаркан. Мураббийлар ўқувчиларга автомобиль макетлари, кичик роботларни кўрсатиб таништиришади. Бу уларда техникага бўлган қизиқишни уйғотишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда ҳам Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий касб сирларини мукаммал ўзлаштиришларига эришиш мақсадида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик республика ташхис маркази томонидан «Касбим – келажагим» номли ягона онлайн платформа яратилган. Бу платформа ўқувчиларнинг қобилияти, қизиқиши ва иқтидорини аниқлаш, ўқувчиларнинг онгли равишда касб танлашларига хизмат қилади.

Платформадаги «Касблар олами» рукнида мамлакатимиздаги барча касблар тўғрисидаги маълумотлар бериб борилади. Бунда ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан касблар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Платформада муваффақиятга эришган инсонлар рукни ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг муваффақиятлари, иш тажрибалари билан ўртоқлашган видеоларни кўришингиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, яқин келажакда Ўзбекистон меҳнат бозорида ахборот технологиялари йўналишига ҳамда жадал суръатлар билан ривожланаётган туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларига, қурилиш соҳаси инженерларига, бундан ташқари замонавий меҳнат бозорига кириб келган янги касбларга бўлган талаб ортади. Бундан ташқари, енгил саноат соҳаси, айниқса, маҳаллий хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш мутахассисларига бўлган эҳтиёж ҳам ҳар доим юқори бўлади.

Иложи бўлса, фарзандингизнинг қайси касбни танлаши бўйича малакали мутахассис билан маслаҳатлашинг. Бунда албатта, унинг билими, имконияти, қизиқишлари ва ҳаётдаги мақсадларидан келиб чиқинг. Фақат бир нарсани унутманг: қарор мустақил қабул қилинади.

**Фурқат ҚОДИРОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими бош мутахассиси.**

**Маълумот ўрнида:**

*ЮНИСЕФнинг махсус лойиҳаси бўлган U-REPORT ёшлар платформаси 2019 йил 13 май куни ёшларни касбга йўналтириш бўйича сўровнома ўтказди. Унда 6300 дан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар қатнашди. Респондентларнинг фикрига кўра, касб танлашда қуйидаги 4 та омил таъсир ўтказади: шахсий қобилият (34%), касбга муҳаббат (20%), молиявий имкониятлар (20%) ва ота-оналар қарори (11%). Иштирокчиларнинг 82 фоизи ёшларни касбга йўналтириш ҳукумат томонидан ташкил қилиниши керак, деб ҳисоблашади.*

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ОБУЧЕНИЕ ДЕТЕЙ СОВРЕМЕННЫМ ПРОФЕССИЯМ – ГАРАНТИЯ РАЗВИТИЯ

**«В современных условиях, когда главным показателем конкурентоспособности страны все в большей мере становятся уровень и качество жизни населения, возрастает роль образования – важнейшего фактора прогресса».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**




Жизнь не стоит на месте, развиваются науки, семимильной поступью шагает научно-технический прогресс, появляются новые профессии. Изменения накладывают отпечаток на общество, его структуру и вектор развития. Руководство нашего государства держит руку на пульсе времени, особое внимание уделяет подрастающему поколению, его гармоничному воспитанию, так как будущее находится в руках молодежи.

В постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по образованию Президентских школ» от 20 февраля 2019 года в качестве первостепенных задач определено осуществление профессиональной ориентации учащихся, развитие навыков лидерства и ораторского искусства, критического мышления, поиска, анализа и обработки информации, применения полученных знаний на практике. Выработка у детей данных качеств необходима, так как, по мнению экспертов, через 20–30 лет некоторые из нынешних профессий вообще не понадобятся. Это связано с быстро развивающимися технологиями. В то время, когда производство и услуги станут полностью автоматизированными, потребность в некоторых профессиях полностью исчезнет. Когда сегодняшние школьники начнут поиск работы своей мечты, многие столкнутся со специальностями, о которых даже не слышали. Если мы хотим подготовить детей к стремительно меняющемуся рынку труда, то должны сформировать навыки, позволяющие сделать их более устойчивыми перед изменениями.

Рынок труда в будущем потребует широких знаний в дополнение к более специализированным навыкам, необходимых для конкретных профессий. Профессии будущего – комплексны. Они представляют собой сложное сочетание знаний, навыков и способностей и выполняются с использованием различных видов деятельности и задач. Это означает, что нынешние модели обучения также должны быть комплексными.






Современным детям предстоит жить в мире, отличном от нашего. Чтобы подготовить их к будущему, образовательная система должна развивать навык командной работы, так как в современных компаниях просматривается именно эта тенденция, и она будет развиваться по мере автоматизации рабочих мест. В будущем профессионалам не понадобятся специфические знания или умение производить расчеты, люди будут объединяться, чтобы вместе придумывать работу для машин.

Очевидно, что навыки общения становятся все важнее. Школам необходимо фокусироваться на совместных проектах, играх, межличностном взаимодействии. Научные знания и представления о мире меняются на глазах. К тому моменту, как наши дети закончат учиться, большая часть информации, черпаемой ими из учебников, потеряет актуальность, поэтому подрастающее поколение должно научиться быстро адаптироваться к меняющимся условиям.

Президент Республики Узбекистан, прекрасно понимая данные тенденции, выдвинул пять важнейших инициатив по организации социальной, духовно-просветительской работы по новой системе. Четыре из них касаются молодежи: усиление интереса юношей и девушек к искусству, физическая закалка и занятия спортом, организация эффективного использования современных технологий, повышение духовности и пропаганда чтения. Все это – слагаемые человека будущего, который должен не только обладать навыками работы в области инновационных технологий, но и не потерять за всем этим духовности.

Функционирующие в республике военно-академические лицеи «Темурбеклар мактаби», академические лицеи МВД осуществляют целевую подготовку кадрового резерва для Вооруженных Сил и органов внутренних дел, воспитывают юношей и девушек в духе высокого патриотизма, формируют у них первоначальные профессиональные знания и навыки, необходимые для будущей службы.

*На молодежной платформе U-REPORT, являющейся специальным проектом ЮНИСЕФ, 13 мая 2019 года был проведен опрос, касающийся выбора представителями подрастающего поколения будущей профессии. По мнению респондентов, на данный выбор оказывают влияние следующие факторы: личные способности (34%), интерес к профессии (20%), финансовые возможности (20%) и решение родителей (11%).*

Инспектора профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи постоянно сотрудничают с образовательными учреждениями, педагогами, учащимися и их родителями. И это взаимодействие дает свои результаты.

Часто ребенок не может сделать выбор самостоятельно. Иногда родители и сами не знают, чем занимается гейм-дизайнер, маркетолог или UX-редактор. В этом случае может помочь учитель по информатике или знакомый, который мог бы рассказать ребенку о своей работе.

Во-вторых, детям бывает нелегко открыто обсуждать эти темы с родителями, в данном случае можно обратиться к психологу. Специалист создаст безопасное пространство, в котором можно будет поговорить о страхах и тревогах, сопровождающих предстоящий выбор.

В нашей стране проводится целенаправленная профориентационная работа с молодежью, направленная на всестороннее освоение юношами и девушками современных профессий. Так, Республиканским центром профессиональной ориентации и психолого-педагогической диагностики учащихся создана единая онлайн-платформа под названием «Моя профессия – мое будущее». Данная платформа способствует выявлению интересов и талантов школьников, сознательному выбору ими профессии. В разделе «В мире профессий» представлены обширные сведения об имеющихся профессиях, представлены материалы и видеоролики о людях, достигших профессиональных высот.

Подытоживая сказанное, можно отметить, что обучение детей современным профессиям – залог нашего будущего, фактор прогресса. Понимать это должно не только руководство страны, но и педагоги образовательных учреждений, родители и сами дети. От того, как слаженно начнут работать все звенья данной цепи, будет зависеть место Узбекистана в ряду высокоразвитых стран, наше обеспеченное и счастливое будущее.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

САРҲИСОБ

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

**Ҳозирги замонда давлат идораси ёки ташкилотининг қанчалик самарали фаолият кўрсатганини, халқ ишончини қозонганини белгилаб берувчи бир талай омиллар бор. Улардан бири, шубҳасиз, ўша идоранинг қанчалик очиқлиги, фуқаролар мурожаатларига бўлган муносабатидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ҳамда ҳудудий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати мунтазам таҳлил қилиниб, ушбу соҳадаги ишларни яхшилашга қаратилган зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

Ўтган йил давомида келиб тушган мурожаатларда кўтарилган масалаларни тизимли равишда таҳлил қилиш ҳамда ҳал этиш бўйича муҳим чоралар кўрилиши натижасида вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига келиб тушган мурожаатлар камайишига эришилган. Хусусан, амнистия, афв этиш ва маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда фуқаролик ва паспорт-виза масалалари билан боғлиқ мурожаатлар 37,1 фоизга, оила-турмуш масаласидаги 19 фоизга, мол-мулк ва пул маблағларини ундириш 8 фоизга, ходимларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ мурожаатлар 11,4 фоизга камайган. Шунга монанд тарзда миннатдорлик мазмунидаги 1285 та мурожаат билдирилган.

Ҳозирги кунда барча ички ишлар органлари биноларида фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни тизимли равишда амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилган. Хусусан, тизимда ташкил этилган 215 та қабулхонанинг барчаси компьютер воситалари, қонун ҳужжатлари тўпламлари, мебель жиҳозлари билан таъминланган. Фуқаролар учун алоҳида кутиш жойлари, уларнинг фарзандлари учун болалар хоналари, ногиронлиги бўлган ва бошқа жисмоний имконияти чекланган фуқароларга қабулхоналарнинг кириш жойида замонавий лифт (пандус) ташкил этилган. Фуқароларнинг муаммоларини эшитиш ва уларга малакали ҳуқуқий тушунтиришлар бериш, муаммони жойида ҳал қилиш мақсадида масъул ходимларнинг навбатчилиги белгиланган.

Бундан ташқари, фуқароларни қабул қилиш жадваллари, ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилмоқда. Шунингдек, ушбу маълумотлар маъмурий бинода ҳамма кириш қисмидаги стендларга ҳам жойлаштирилган.

Вазирлик веб-сайтида алоҳида саҳифа юритилиб, унда ички ишлар органларига йўналтирилаётган саволлар бўйича онлайн тарзда ҳуқуқий маслаҳат олиш имконияти яратилгани ҳам эътиборга моликдир.

Таъкидлаш керакки, тадбиркорларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида барча ички ишлар органларида тадбиркорларни қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқишнинг ягона тизими яратилди. Тадбиркорлик субъектларидаги мавжуд муаммоларни сифатли ҳал қилиш, уларнинг фаоллигини ошириш бўйича сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш механизми йўлга қўйилди. Учинчи сектор раҳбарлари томонидан тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг фаолиятига яқиндан ёрдам кўрсатиш ишлари ташкил этилди. Натижада тадбиркорлар ва чет эл инвесторларининг мурожаатларини сифатли ва тезкорлик билан ҳал этиш имкони пайдо бўлди. Хусусан, 2020 йилда ички ишлар органларига тадбиркорлардан келиб тушган 1882 та (2019 йилда 132 та) мурожаатнинг тўлиқ кўриб чиқилиши таъминланди. Ушбу мурожаатларнинг 1411 таси туман, 347 таси вилоят ва 124 таси республика даражасида кўриб чиқилиб, 60,5 фоизи ижобий ҳал этилди. 720 та мурожаат юзасидан малакали ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлса, 24 таси қонуний асосларга кўра рад этилди.

Муаммоларни жойида ҳал қилиш, аҳолининг оворагарчилигига чек қўйишда жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш мақсадида вазирлик соҳавий хизматлари раҳбарлари томонидан ўтган йили ҳудудларда 91 марта сайёр қабул ўтказилди. Сайёр қабуллар жараёнида қабулларнинг натижадорлигига эришиш, аҳолининг ички ишлар органларига бўлган ишончини янада кучайтириш, мурожаатларни холис ва қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сайёр қабулларда турли мазмундаги 2086 та мурожаат тингланди. Мазкур мурожаатларда билдирилган масалаларни ҳал этиш борасида кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, уларнинг 998 таси ўзининг ижобий ечимини топди. Хусусан, ижтимоий ҳимоя борасидаги мурожаатларнинг ижобий ҳал этилиши натижасида Бухоро вилоятида 32 нафар, Наманган вилоятида 26 нафар ва Навоий вилоятида 24 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида 21 нафар фуқарога ногиронлик аравачалари, қўлтиқтаёқ ва эшитиш мосламалари берилди.

Пробация хизмати назоратида бўлган 56 нафар маҳкум меҳнатга ҳалол муносабатда бўлгани, иш ва яшаш жойларидаги мураббийлари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан ижобий тавсифлангани инобатга олиниб, уларни муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш тўғрисида судларга тақдимномалар киритилди.

Фуқароликка қабул қилиш ва биометрик паспорт олиш масаласида мурожаат қилган шахсларнинг 78 нафари Ўзбекистон фуқароси деб тан олинди, 24 нафарига яшаш гувоҳномаси берилди, 63 нафарига биометрик паспорт топширилди ҳамда 7 нафар шахснинг доимий рўйхатга қўйиш ва чиқиш масаласи жойида ижобий ҳал этилди.

Маълумки, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ички ишлар органларида фаолият кўрсатган 173 та «Ишонч телефони» тугатилиб, ягона «1102» қисқа рақамли «Ишонч телефони» ташкил этилган, республикамизнинг барча ҳудудларидан қўнғироқларни амалга ошириш имконияти яратилган эди. Ўтган вақт мобайнида мазкур «Ишонч телефони»га йўлланган мурожаатлар зудлик билан ижрога қаратилиб, ижобий ҳал қилиниши бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилаётгани натижасида фуқароларнинг ушбу тизимга бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, одам савдоси қурбонига айланган ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида вазирликда Одам савдосига қарши курашиш комиссиясининг 99-311-01-01 рақамли «Ишонч телефони» фаолияти йўлга қўйилиб, унга дунёнинг барча давлатларидан қўнғироқларни амалга ошириш имконияти яратилди. Ушбу тизим орқали ўтган йили 1029 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 473 таси ижобий ҳал қилинган, 519 таси бўйича малакали ҳуқуқий тушунтириш берилган, 32 таси қонуний асосларга кўра рад этилган, 5 таси кўрмасдан қолдирилган. 33 та мурожаат эса ҳозирги кунда кўриб чиқилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ички ишлар вазирлиги таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларида мурожаатлар билан ишлаш йўналишидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, мурожаатларни кўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик, сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш юзасидан барча зарур чоралар кўрилмоқда. Зеро, фуқароларни тинглаш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиш – олий мақсадимиздир.

**Озодбек ЖЎРАБОЕВ,**
**ИИВ Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, полковник.**

**Таҳлилларга кўра, 2020 йилда вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига келиб тушган мурожаатлар 2019 йилга нисбатан 35106 тага камайган бўлиб, уларнинг:**

- **36,1%** Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхоналаридан
- **31,1%** «Ишонч телефони» орқали
- **18,3%** почта алоқа хизмати орқали
- **13,8%** шахсий ва сайёр қабуллардан
- **0,7%** Бош вазир виртуал қабулхонасидан келиб тушган.

**ШУНДАН:**

- **18,3 фоизини** мол-мулк ва пул маблағларини ундириш,
- **15,4 фоизини** суриштирув ва тергов ҳаракатлари,
- **8,5 фоизини** йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш,
- **7,4 фоизини** фуқаролик ва паспорт-виза,
- **7 фоизини** шахснинг ҳаёти, озодлиги, соғлиғига, шаъни ва қадр-қимматига қарши ноқонуний ҳаракатлар,
- **6,7 фоизини** оила-турмуш доирасидаги масалалар,
- **5,4 фоизини** амнистия (афв этиш) ва маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати,
- **3,1 фоизини** ички ишлар органларига ишга (ўқишга) кириш ҳамда хизматга қайта тиклаш,
- **28,3 фоизини** бошқа масаладаги мурожаатлар ташкил этган.

- **132 минг 346 таси** қаноатлантирилган,
- **123 минг 706 таси** бўйича малакали тушунтиришлар берилган,
- **10 минг 873 таси** қонуний асосларга кўра рад этилган,
- **962 таси** кўрмасдан қолдирилган,
- **1250 таси** тугатилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатларнинг**

- **61 фоизи** қаноатлантирилган.
- **35 фоизи** бўйича малакали тушунтиришлар берилган.
- **2,6 фоизи** қонуний асосларга кўра рад этилган.

**Уларнинг ижобий ҳал қилиниши 2019 йилга нисбатан 33 фоизга яхшиланган.**

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ЮРТ ОСТОНАСИН ҚЎРИҚЛАР МАРДЛАР

**Соат тонги 4:00. Фарҳод тонг қоронғусида хизмат хонасидан ташқарига чиқди. Қишнинг совуқ изғирини танангни чақиб оламан, дейди. Бунинг устига неча кундан бери совуқ иқлим оқибатида кузатилаётган булдириқнинг охири кўринмайди. Фарҳод шуни хаёлидан ўтказаркан, осмонга боқди. Не кўз билан кўрсинки, булутлар тарқала бошлабди: «Хайрият-е, юлдуз бўй кўрсатадиган кун ҳам бор экан».**





Термиз халқаро аэропортининг кириш дарвозасида навбатчилик олиб бораётган сержант Фарҳод Ҳамдамов ўзига белгиланган ҳудудни кўздан кечира бошлади. Ҳадемай, тонг отади ва аэропорт ходимлари орасида навбатчилиги тугаганлар уйларига қайтишади, келганлари ишга киришади. Сержант Фарҳод Ҳамдамов эса уларни синчковлик билан текшириб, кейин ўтказади. Автомобилларнинг салони ва юкхонасидан тортиб махсус ускуна ёрдамида остки қисмларини ҳам обдон кўздан кечиришдан эринмайди. Ахир, аэропортнинг товар-моддий бойликларини қўриқлашдек вазифа зиммасида.

Термиз халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш батальони 3-қўриқлаш взводи назорат-ўтказиш жойларини қўриқлаш гуруҳи командири, сержант Фарҳод Ҳамдамов доим ўзига берилган вазифани сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилади. Чунки Фарҳодга ота-онаси шундай тарбия берган. «Бир ишни сенга ишониб топширишдими, уни кўнгилдагидек қилиб бажаргин. Ҳеч қачон эринма. Меҳнат икки кўздан иссиқ. Меҳнатсеварлик, ҳар бир ишга виждонан ёндашиш сени фақат юксалтиради», дея уқтиришган болалигидан. Шу-шу бу хислат Фарҳод Ҳамдамовга яхши бир фазилат бўлиб сингган.

Табиатан оғир-босиқ, аммо мулоҳаза билан иш юритадиган қаҳрамонимизни ҳамкасблари ҳам ҳурмат қилади. У гуруҳ командири сифатида ўзи бош бўлган ходимларга нисбатан талабчан бўлса-да, самимийликни ҳам ўринлатади. Уларни доим вазифаларни ўз вақтида бажаришга, ўз устида ишлашга ундайди.

Фарҳод Ҳамдамов ҳарбий қисмга келиши биланоқ муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ётоқхонасини, уларнинг юриш-туриши, тозалик ва тартибга қай даражада амал қилаётганликларини бирров кўздан кечиради. Ҳар доимги вақтда бўладиган йиғиндан сўнг эса, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий ҳамда жанговар тайёргарлик дарсларига киришиб кетади.

– Жанговар тайёргарлик дарсларини гуруҳ командирлари галма-галдан ўтамиз, – дейди сержант Фарҳод Ҳамдамов. – Унда дастлаб мамлакатимизда юз бераётган воқеалар, халқаро ҳаётда содир бўлган ҳодисалар ҳақида тўхталиб ўтиб, сўнг ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги билан бирга, жанговар шайлиги, ахлоқий-руҳий тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳа, ҳарбий киши доимо ҳушёр ва ҳар қандай вазиятга тайёр туриши лозим. Чунки унинг қисмати шундай. Энг оғир ва хавфли онларда у одамларни ҳимоя қилиш учун ҳам тезкорлик билан қарор қабул қила олиши ва ҳимояга киришиши шарт. Зеро, ҳарбийликнинг машаққати ҳам, улуғворлиги ҳам шунда.

– Армия инсонни кўп нарсага ўргатаркан, меҳр-оқибатли бўлиш билан бирга, иродали, ҳаётнинг иссиқ-совуғига бардошли қилиб ҳам тарбияларкан, – дейди сержант Фарҳод Ҳамдамов. – Мен буни 15 йиллик ҳарбий хизматим давомида англадим ва амин бўлдим. Ота-онам, яқинларим шу касбни танлаганимдан фахрланишади. Бир қишлоқ боласининг Ватанга хизмат қилишдек шарафли иш билан машғул бўлиши уларга ифтихор беради.

Бугун Ватанимиз остонасини ўз касбини, севадиган, инсонларни қадрлайдиган мард ўғлонлар ҳимоя қилаётгани кўнглимизга таскин, хотиржамлик беради. Бу хотиржамлик эса бизни турли соҳаларда меҳнат қилиш ва ютуқларни қўлга киритишимизга мустаҳкам замин бўлади.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

УЧРАШУВ

# ФАХРИЙЛАР ИШТИРОКИДА

**Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Академиядаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Қуролли Кучлар ҳамда ички ишлар органлари фахрийлари иштирокида «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида учрашув ташкил этилди.**








Унда Мудофаа вазирлиги музейи бошлиғи, истеъфодаги полковник Мусалим Нуриддинов, ИИВ Академияси Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Анвар Девятов ва бошқалар сўзга чиқиб, она Ватанга хизмат, бурчга садоқат, юртга дахлдорлик сингари фазилатларнинг инсон камолотидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тараққиётининг пойдеворини мустаҳкамлашга фидойи ҳамда ватанпарвар ёшларимиз муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Сўнгги йилларда миллий армиямиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрлар тайёрлаш жараёни замон талаблари даражасида такомиллашиб бормоқда. Ҳарбий олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда. Бундан кўзланган мақсад ёшларимизни мамлакатимиз истиқболи учун муносиб авлодлар этиб камол топтиришдир. Яқинда Президентимиз ёшлар билан бўлган учрашувда устоз кўрган ўғил-қизларимиз домласига муносиб бўлишга интилиши, ҳаётда уларнинг кўмаги билан ўз ўрнини топиши, шу боис ҳудудларда «устоз-шогирд» анъанасини янада кучайтиришга эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан келиб чиқиб, учрашувда сўзга чиққан соҳа фахрийлари ҳарбий хизматнинг машаққатли жиҳатлари, таълим-тарбия жараёнида «устоз-шогирд» анъанасининг ўрни, юртга салоқат билан хизмат қилишда ёшлардан талаб этиладиган касбий ва ахлоқий фазилатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Тоҳир АЗИМОВ,**
**ИИВ Академияси саф қисми бошлиғининг ўринбосари, подполковник.**

МАҲАЛЛА ТИНЧ – ЮРТ ТИНЧ

# ЯНГИҲАЁТНИНГ ЯНГИ ЧОШТЕПАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани ташкил этилган эди. Ушбу туман Тошкент шаҳрининг Сергели ва Бектемир ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қуйичирчиқ, Янгийўл ва Ўртачирчиқ туманларидан ҳудудлар ажратиш ҳисобига ташкил этилди.**



Тумандаги маҳаллалар орасида «Янги Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини энг намунали ҳудудлардан бири саналади. Ҳудуд 56 та кўп қаватли уйдан иборат бўлиб, жами 3100 нафардан ошиқ аҳоли истиқомат қилади.

– Энг қулай ерда жойлашган, маҳалла ҳудудида янги ва замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлаган, ёнгинасидан ерусти метро йўналиши ўтган, – дейди туман ИИОФМБ бошлиғининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ўринбосари, подполковник Абдумўмин Амиров. – Шу билан бирга, Янги Чоштепа туман миқёсида 2020 йилда жиноят содир этилмаган ҳудуд сифатида ҳам эътирофга лойиқ.

Албатта, бу ижобий натижаларга ички ишлар органлари таянч пункти профилактика катта инспектори, подполковник Ўткиржон Исаметов ва профилактика инспектори, катта лейтенант Иззатилла Тиллаевнинг маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан яқин ҳамкорликдаги фаолияти самарасидир. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ёшларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ишлар ижобий кўрсаткичларга асос бўлиб хизмат қилади.

– Маҳалламиз Тошкент шаҳрининг барча туманларидан кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган ҳамда Ёшлар иттифоқининг тавсияси асосида 30 ёшгача бўлган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш ҳисобига барпо этилган, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Жанонхон Ҳидоятова. – Кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга ҳунар ўргатиб, тадбиркорликка йўналтириб, уларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун маҳалла фуқаролар йиғини биносида ҳунармандчилик устахоналари ва тадбиркорликка ўргатиш маркази ташкил этилган. Бу ерда саватчилик, тўқувчилик, тикувчилик, соч безакларини ясаш ва электр ускуналарини созлаш ўргатилади. Бунинг натижаси ҳам кўзга ташлана бошлади. Кўпчилик фуқароларимиз ушбу ҳунарларни тезда ўзлаштириши натижасида рўзғорини обод қилмоқда, секин-аста ўзларининг тадбиркорлигини йўлга қўймоқда. Бунинг яна бир ижобий томони шундаки, аҳоли ўртасида бекорчилик деган иллат йўқолиб, оилавий низолар сони камаймоқда, ажримлар умуман учрагани йўқ.

Дарвоқе, маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шахмат-шашка ва компьютер саводхонлиги тўгараклари ҳам доимий ишлаб турибди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида эса 11-оилавий поликлиника шифокорларининг хизмати катта бўлаётир. Улар аҳолининг кўпчилигида ногиронлик бўлгани боис уйма-уй кириб, уларнинг соғлиғини назорат қилиб турадилар. Аҳоли сони кўплиги ва 11-оилавий поликлиниканинг бироз узоқроқда жойлашгани туфайли маҳалла ҳудудида янги замонавий поликлиника қурилмоқда. Яқин кунларда ушбу поликлиника хизмат кўрсатишни бошлайди.

Маҳалла аҳлига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор уларнинг юртига бўлган ватанпарварлик туйғуси ҳамда дахлдорлик ҳиссини янада жўш урдиради. Бу эса фаровонликнинг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган суратлар.**






## БИЗ СИЗНИ ҚАДРЛАЙМИЗ!

*Ҳар бир юртдошимиз ички ишлар органлари ходимининг хизмати нақадар масъулиятли ва машаққатли эканлигини яхши англайди. Зеро, ўзганинг ҳаёти ва соғлиғини асраб қолиш учун кўксингни қалқон қилиш, жиноятларни фош этиш, қонунбузарларни қўлга олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган жасоратдир. Сиз хоҳ жазирама, хоҳ изғирин бўлсин постда ёки йўлда туриб одамларни кўнгилсизликлардан асрайсиз.*

*Тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган фаолиятингиз туфайли ҳар бир онимиз хотиржамликка уйғун кечмоқда ва биз сизни қадрлаймиз. Шу маънода, барчангизни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан чин дилдан қутлайман. Азиз ички ишлар органлари ходимлари! Сизга атаб ёзган шеъримни байрам табриги сифатида қабул қилгайсиз.*



### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ

*Озод элнинг номусисиз, орисиз.*
*Она ватан суянчисиз, борисиз.*
*Мудом сергак турган шунқорисиз.*
*Ички ишлар органлари ходимлари!*

*Тунни тонгга улаб ўтган паҳлавон,*
*Сиз ғанимга бас келгувчи чин ўғлон,*
*Доноллик-ла иш кўргувчи ҳар бир он,*
*Ички ишлар органлари ходимлари!*

*Нурафшондир сиз туфайли ҳаёт гўё,*
*Сизлар сабаб орзумиз дунё-дунё.*
*Минг бор шукур тинчлигимиз эмас рўё,*
*Ички ишлар органлари ходимлари!*

**Шаҳло ҲОШИМОВА.**

*Жиззах вилояти.*

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# Хранилище потерянных имен






**Сложно отыскать человека, который ни разу не терял ценную вещь. Несмотря на это, единицы знают, как вести себя в сложившейся ситуации.**

Если вы потеряли важные документы, нужно знать, куда и как обращаться за помощью. Не стоит сразу бежать в правоохранительные органы – ОВД приступит к поискам в том случае, если пропажа стала следствием какого-либо преступления. Для всех остальных предусмотрен специальный стол находок ГУВД г. Ташкента. Именно сюда поступают документы, удостоверяющие личность, найденные на территории столицы. Даже если они оказались в потерянном чемодане, их отделят от основных вещей и перешлют в стол находок.

В ящиках – кипа паспортов, студенческих и военных билетов, трудовых и зачетных книжек, водительских прав. Здесь все строго, на каждый документ заводится персональная карточка. Так что найти нужное – дело считанных секунд.

В столе находок трудятся два сотрудника. С 2008 года всему голова – старший инспектор Марина Максименко – «детектив», делопроизводитель и, практически, психолог.

– Чаще всего люди теряют самый главный документ – паспорт. В 2020-м к нам поступило свыше 230 паспортов как местных, так и иностранных граждан, – рассказывает М. Максименко. – В прошлом году в общей сложности мы приняли более семисот различных документов. С начала прошлого года в стол находок обратились свыше 4 000 рассеянных граждан. А за последний квартал 2020-го – 2 000 человек.

М. Максименко признается, что к работе привыкла быстро, и график устраивает: пятидневка – с 9.00 до 18.00, суббота и воскресенье – выходные. Но и этого времени мало: ежедневно приходят десятки людей – от молодых до старых, постоянно звонит телефон.

Документы попадают в стол находок по-разному. В основном их доставляют сотрудники ОВД, в частности инспектора профилактики, иногда приносят обычные граждане, бывает, что получают заказным письмом через Ташкентский почтамт. Находка хранится от месяца до трех. По истечении трех месяцев, документы отправляются по месту прописки.

Некоторые граждане сами обращаются с просьбой найти утерянный документ. Лет 12 лет назад в столе находок выдавали справки об утрате документов, чтобы люди могли начать процедуру их восстановления. Сейчас же с развитием компьютерных технологий данную процедуру упростили. Только в исключительных случаях, а именно при утере аттестата, диплома, государственного ордера, лицензии и кадастра на нежилое помещение, требуется опубликовать объявление об утере документа в печатном издании и уже с объявлением обратиться в стол находок. После поступления заявления и предоставления опубликованного объявления в течение недели проводится архивная проверка. По окончании проверки заявителю выдается справка о том, что документ найден и был передан в стол находок или же о том, что такого рода документа нет.

Больше всего М. Максименко запомнился случай, произошедший с гражданином Российской Федерации. Тридцатилетний мужчина приехал по делам в столицу солнечного Узбекистана и «посеял» паспорт. Некоторое время спустя он обратился за помощью в стол находок. Благодаря неравнодушным людям паспорт нашли и передали в стол находок. Гость был очень рад.

– Каждый раз, помогая кому-то найти документы, мы получаем моральное удовлетворение, – говорит Марина Максименко. – Когда видишь, что у людей по-особому загораются глаза, чувствуешь, что твоя работа не напрасна.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

## Новости ГУВД города Ташкента



9 января, примерно в 01.30 часов, на посту ДПС в Бектемирском районе был остановлен автомобиль «Ласетти». В ходе проверки у 30-летнего водителя Дадахона К. обнаружили и изъяли 1,47 г. гашиша. По данному факту возбуждено уголовное дело по ст. 276 («Незаконное изготовление, приобретение, хранение и другие действия с наркотическими средствами, их аналогами или психотропными веществами без цели сбыта») Уголовного кодекса Республики Узбекистан.



В рамках акции «Запомните сами и расскажите другим!» сотрудники УКД ОВД Учтепинского района провели профилактические беседы с посетителями рынка «Урикзор» и жителями махаллинского схода граждан «Фозилтепа». Ташкентцам и гостям столицы раздавали памятки и буклеты, предупреждающие об основных способах мошенничества, о том, как предотвратить кражу, к чему приводит оставление ключа в замке зажигания. К людям обратились с призывом быть внимательнее к собственным вещам. Кроме того, сотрудники ГУВД Ташкента рассказывали о случаях, когда, поверив злоумышленникам, жертвы попадали в сети торговцев людьми.



6 января в органы внутренних дел Шайхантахурского района обратилась 25-летняя Дилшода Т. Девушка сообщила, что в этот день, примерно в 13.00 часов, она находилась на рынке «Чорсу». Неизвестный, воспользовавшись тем, что Дилшода отвлеклась на покупки, вытащил из кармана куртки телефон стоимостью 1 900 000 сумов, а также 500 долларов США и 650 000 сумов, лежавшие в чехле телефона. В результате принятых мер был установлен и задержан подозреваемый в краже. Им оказался 31-летний Аброржон Р. По данному факту возбуждено уголовное дело по ст. 169 («Кража») Уголовного кодекса Республики Узбекистан.



ТАҚДИРЛАР

**Россияда хизмат кўрсатган артист, 60 га яқин ролларни маҳорат билан ижро этган актёр Фарҳод Маҳмудов Тошкентда туғилган, ҳозирда Россияда яшайди, ижод қилади. Унинг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларидан бирида «Ўзбекистон доим менинг қалбимда. У ўчмас излар, хотиралар билан менда яшайди. Уйимда доим миллий либосларимиз – чопон ва дўппиларим бор. Уларни ҳар кўрганда, меҳрибон юртдошларимни ёдга оламан», дея таъкидлаган самимий сўзларидан она юртга меҳрини туясиз...**



# «ЎЗБЕКИСТОН ДОИМ МЕНИНГ ҚАЛБИМДА»

«Бўрилар», «Бригада» ва «Барон» каби фильмларидаги ижролари билан халқимиз эътиборини қозонган Фарҳод Маҳмудовнинг санъатда ўзига хос ижод йўли бор...

Кунларнинг бирида мактабдан қайтаётган 6-синф ўқувчиси Фарҳодни киностудия вакили тасодифан кинosиновга таклиф этади. Бўлажак актёр дастлабки эпизодик ролидаёқ киночиларнинг эътиборига тушади ва 14 ёшида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Бўрилар» қисқа метражли фильмида биринчи ролини ижро этади. Қалбида санъатга бўлган иштиёқ, интилиш ва истеъдод учқунлари болалигидаёқ мавжлана бошлаган ёш Фарҳод ўзи учун кутилмаган машҳурлик олиб келган фильмдан олган гонорарига радио лентаси сотиб олган экан. Бу 1987 йиллар эди... Айни дамларда «Бўрилар» фильми катта авлод вакилларининг ёдидадир ёки «Майсаранинг иши» картинасидаги хушсурат, мўйлови энди сабза ура бошлаган барно йигит «Ойхоннинг чўпони»ни эсларсиз балки...



Эътиборлиси, Фарҳод Маҳмудов 17 ёшида Москвадаги Бутунроссия кинематография институтига ўқиш учун йўл олганда, халқимизга кино ва театрдаги мана шундай маъқулу манзур ижролари билан танилган ёш истеъдодли юлдуз эди. Ўқишни тамомлаб, Рубен Симанов театрида фаолиятини бошлаган санъаткор кейинчалик турли феъл-атвордаги роллар билан Роман Виктюк театрида ҳам 13 йил давомида фаолият юритди.

Ҳаммамизга яхши таниш «Бригада» (Россия) фильмидаги роли Фарҳод Маҳмудовга омад келтирди. Актёр ушбу картинада жиддий, сирли ва мураккаб характерли инсон, наркотик моддаларни сотувчининг дўсти, ўз навбатида, унинг шериги сифатида гавдаланади. Машҳурлик олиб келган ижронинг сири бир қарашда жуда оддийдек кўринади. Яъни, бу ижодкордаги ҳар доим ҳар қандай картинада бош қаҳрамонни ижро этиш эмас, балки ролнинг «юки»га аҳамият қаратиб, кичик эпизодда ҳам ўз иштироки билан картина мазмунмоҳиятини тўлиқ очиб бериши учун ўз устида ишлаш, воқеаларнинг ривожида, албатта, томошабинда қизиқиш уйғота олиш талабининг ниҳоятда юқорилиги билан боғлиқ. Бунда Фарҳод Маҳмудовга хос қобилият – жумлаларни мимикада жонлантириш ва ҳолатни акслантирувчи ўткир нигоҳлар, кутилмаган воқеалар ривожи билан ҳайратга солиш эмас, ҳаётий ижродаги мукаммаллик томошабинни фикрлашга ундаб, экран қаршисига беихтиёр «михлаб» қўяди. Қолаверса, ушбу картина экранга чиққандан сўнг Фарҳод Маҳмудовга турли сериаллардан таклифлар тушган ва унинг янги маҳорат қирралари очилган.



2016 йилда Рустам Саъдиевнинг асримизнинг энг долзарб муаммолари қаторидан жой эгаллаган гиёҳвандлик ва унга қарши кураш мавзусини ўртага ташлаган «Барон» фильми Фарҳод Маҳмудовдек истеъдодли актёрни яна ўзбек киносига, Ўзбекистонга қайтарди. Ушбу кинокартинада у бош қаҳрамон Мардоннинг гўёки энг ишончли одами (Иззат – аслида полковник Жаҳонгир Омонов) образини яратди. Актёр ушбу ролида инсон умрига соя солган қабоҳат ва разолатга қарши курашишда она Ватанга садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга шайланган мард ва жасур, ўз касбига садоқатли ўзбек фарзанди қиёфасини гавдалантирган. Бу шунчаки тўқима образ эмас. Бунда танлаган касбига бўлган меҳри, бурчига содиқлик йўлида оиласи, яқинлари, фарзандлари, керак бўлса, ҳузур-ҳаловатидан воз кечган қаҳрамонлар ҳаёти акс этади. Бир қарашда қарама-қарши икки томоннинг юкини ҳар сонияда юракдан ҳис этиб, ҳамиша ҳушёр, уйғоқ яшовчи йигитнинг ҳар икки – Иззат ва Жаҳонгир исмларида ҳам бир рамзийлик бордек... Зеро, Ватан яловини баланд тутган жаҳонгир боболаримизнинг тарихдаги қаҳрамонликлари биз учун ҳамиша ибрат ва намуна. Аслида, санъатда кичик бир жиҳат ҳам етуклик сари чорлаб, фикрлашга ундайди. Унинг кўзга кўринмас қудрати ҳам шундадир.



Картинадаги Фарҳод Маҳмудов ижросини бир сўз билан таърифлаш мушкул. Келинг, ушбу фильм ниҳоясига яқин саҳналардан бирини эслаб кўрайлик, Актёр ҳаётдан умиди сўниб бўлган аёлга «Юраги бор инсонларга яшаш осон эмас. Ўзингизни асранг», дея далда берган вақтда унинг кўзларида Жаҳонгирга хос инсонийлик кўринса-да, шу топда «пахан»нининг олдига Иззат бўлиб одимлайди ва у шунга мажбур... Ёки бўлмаса, воқеалар ривожида ижрочининг қиёфаси, сўз ўйинларини тўлдирган юз, кўз, қош ҳатто қўл-оёқ ҳаракатлари туфайли томошабин сонияларни ҳаяжон билан юрагидан ўтказади. Кинокартинадаги бундай таъсирли саҳналарни шунчаки томоша қилиб бўлмайди.

Фарҳод Маҳмудовнинг: «Кино – бир гуруҳ маслакдош ижодкорларнинг саъй-ҳаракати меваси. Шу маънода, йўлимизда кўндаланг турган муаммоларни фақат бирлашибгина ҳал қила оламиз. Бунинг учун кинони бетама севиш, кинони қисмат деб билиш шарт. Касбимни яхши кўраман, санъатнинг ичида яшашдан ҳузур қиламан. Ўзимни турли тақдирларда синаб, турфа қиёфаларда кўришни ёқтираман. Бу имкониятни менга фақат актёрлик беради. «Барон»даги ролимнинг қайсидир жиҳатлари ўзимни эслатади: шахсий ҳаётини ишига фидо қилган, мураккаб тақдирли инсон», деган фикри бу борадаги энг тўғри хулосага келишга асос бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Шу ўринда «Эътироф–2016» тақдимотида Рустам Саъдиевнинг «Барон» фильми «Йилнинг энг яхши фильми», Фарҳод Маҳмудов эса фильмдаги ижроси учун «Чет мамлакатлардаги энг яхши фильм актёри» номинацияси совриндори бўлганини таъкидлаш ўринлидир.

Санъатга илк қадамларини она юртида қўйиб, Россияда танилган актёр интервьюларидан бирида шундай дейди: «Ўзимни ўзбек киносидан кетган актёр сифатида тилга олгим келмайди. Мен ҳеч қачон унга бегона бўлмаганман. Аммо тан олиш керак, танаффус узоқ бўлди. Лекин мен шу ерда эдим. Тошкентдан ҳеч қачон узилиб кетмаганман. Бир одатим бор, яъни самолётдан тушишим билан Тошкентнинг бебаҳо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Унинг исида болалигим яширин. Ўша пайтда узоқ-узоқларда қолиб кетган жажжи Фарҳодга айланиб қолгандек бўламан, гўё. Ота-онам, қариндош-уруғим, дўст-биродарларим шу юртда.

Кино тақдиримга айланди. Илкис қадамлар бўлмаса, яшашнинг қизиғи ҳам қолмайди, аслида. Мени ҳаётнинг бундай кутилмаган об-ҳавоси чўчитмай қўйган. Тақдир йўлимни кўп марта ўзгартирган. Тасаввур қилинг, оқим билан сузиб боряпсиз. Тўсатдан шаршарами, гирдобми чиқиб қолади. Табиийки, бошқа йўналишга қараб интиласиз. Ҳаётда юз берган кескин бурилишни кулфат деб қабул қилишга шошилманг, бу ҳодиса қутлуғ йўлнинг бошланиши ҳам бўлиши мумкин...»

Бу фикрлардан кейин беихтиёр ҳаётни англаш, тақдирни қабул қилиш ва ўзини иккинчи бир мураккаб олам – санъатга бағишлаш учун Фарҳод Маҳмудовникидек юрак керакдир, деган ўй ўтади. Актёрнинг ҳар гал Ўзбекистондан қайтишда «Халқимнинг самимий табассуми ва уларнинг қалбидаги меҳрини ўзим билан олиб кетишни истардим. Узоқ ўлкадаги совуқ, қировли кунларда халқимнинг тафти мени иситиб турсин...», деган дил изҳоридан ўзбекнинг чин фарзанди эканлигини қалбан ҳис этамиз.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.**

СЛОВО НАГРАЖДЕННЫМ




# Огромная честь и ответственность




**Гулчехра КАСИМОВА, врач-терапевт Центрального госпиталя МВД Республики Узбекистан, награждена медалью «Соғлом турмуш», подполковник:**

– Пандемия стала серьезным испытанием для всей системы здравоохранения, прежде всего медицинских работников, которые без сна и отдыха, на пределе возможностей, самоотверженно и профессионально сражаются с коронавирусом, ежедневно спасая человеческие жизни.

Каждый из нас понимает, какую колоссальную нагрузку в период пика эпидемии выдержали наши медики в поликлиниках, больницах, службах «скорой помощи». Сегодня они продолжают держать оборону, борясь за жизни и здоровье соотечественников.

Представители этой гуманной и благородной профессии достойны самой искренней благодарности. Ежедневно они помогают не только больным COVID-19, но и другими, не менее опасными заболеваниями. Такой труд требует высокой квалификации, полной самоотдачи, ответственности и силы духа.

Хочется поблагодарить всех, кто был рядом, чей профессионализм и сердечное отношение к пациентам помогают сдерживать распространение инфекции. Я воспринимаю эту награду как благодарность от всей страны.

Спасибо главе нашего государства, руководству Министерства внутренних дел! Это огромная честь и вместе с тем безграничная ответственность. Это мощный стимул для того, чтобы продолжать работать, лечить и служить на благо нашего народа.

ВЫЕЗДНОЙ ПРИЕМ

# Решаются проблемы

**В ходе состоявшегося в здании Торгово-промышленной палаты г. Самарканда выездного приема заместитель начальника УВД Самаркандской области полковник Р. Ашрапов принял жителей Самарканда, а также Нурабадского и Пастдаргомского районов.**

Одной из первых к начальнику обратилась Гульсара Исакулова, доверенное лицо семьи Арамбаевых, уехавших за границу. Арамбаевы оставили дом на попечение соседа, Хуршеда Хакимова.

Женщина рассказала, что два года назад сосед обратился в суд по гражданским делам с исковым заявлением на оформление дома на свое имя, обосновывая действия тем, что присматривал за имуществом в течение длительного времени. В 2018 году, согласно ст. 187 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, суд вынес решение в пользу Хуршеда Хакимова и признал его полноправным владельцем дома Арамбаевых.

Адвокат Темирйульского района Гульсара Исакулова добилась отмены решения городского суда. Таким образом, в иске Хуршеду Хакимову было отказано, а дело вновь отправлено на дополнительное рассмотрение.

Данный вопрос не решается уже несколько лет. С заявлением восстановить права владельцев дома Гульсара Исакулова обращалась в различные ведомства, однако пока безрезультатно. Теперь она надеется на помощь органов внутренних дел. Дело было передано на рассмотрение в компетентные структуры.

Решения своей проблемы ждала и Нодира Усманова. Она рассказала заместителю начальника областного УВД, как стала жертвой мошенника. Речь шла о 33 000 долларов США, которые заявительница, поверив знакомому на слово, в 2015 году собственноручно отдала на развитие его предпринимательской деятельности. Взамен должник пообещал квартиру в строящейся многоэтажке. Однако ни денег, ни квартиры до сегодняшнего дня потерпевшая не получила. Ее дело также взяли на контроль.

Люди, пришедшие на прием, обращались по волнующим их, годами не решаемым вопросам в надежде, что органы внутренних дел помогут восстановить справедливость.

**Зарина ХАКБЕРДИЕВА.**
*Самаркандская область.*

НОВШЕСТВА

# АВТОМАТИЗИРОВАННЫЙ ИНФОРМАЦИОННЫЙ ЦЕНТР «102»



**«Нынешние условия сильно отличаются от прежних», – говорит старший инспектор дежурной части УВД Ферганской области майор Махаммадали Зокиров.**





В ноябре 2020 года в УВД Ферганской области был запущен в эксплуатацию автоматизированный информационный центр «102».

– Одной из первых в стране, в тестовом режиме, система была запущена в Фергане, – рассказывает руководитель информационной службы УВД Ферганской области лейтенант Исмоилжон Шарипов. – Внедрение подобных технологий, безусловно, дает положительные результаты. Допустим, происшествие случилось в удаленном районе. Понятно, что до прибытия на место следственной группы пройдет некоторое время. С появлением новшества сотрудники правоохранительных органов, работающие в непосредственной близости от места происшествия, смогут немедленно получить уведомление о совершенном правонарушении, а само место взять под контроль. В результате расширяются возможности своевременного выявления улик, предотвращения их уничтожения, раскрытия преступлений по горячим следам, поимки преступников, оказания помощи жертвам.



Все сообщения от мобильных компаний поступают в единый call-центр, где операторы принимают и распределяют звонки. Там же создана служба оказания психологической и юридической помощи. Для полной автоматизации работы центр был подключен к геоинформационной системе.

Здание оборудовано современной мебелью, созданы благоприятные условия для работы сотрудников, есть столовая, комнаты отдыха. В подвале размещена специальная учебная зона, где офицеры проводят практические и теоретические занятия, повышают уровень боевой подготовки.

– На протяжении многих лет я работаю в дежурной части, – говорит старший инспектор дежурной части УВД Ферганской области майор Махаммадали Зокиров. – Служба в автоматизированном информационном центре «102» приносит удовольствие, хочется работать еще эффективнее.

Подводя итог двухмесячной работы, можно сказать, что система действительно служит интересам народа, помогает обеспечивать мир и стабильность, надежную защиту прав и интересов граждан.

**Абдувосит СИДИКОВ, корреспондент «Postda».**
*Ферганская область.*

14 ЯНВАРЯ – ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ

# «Я тот, кто верен Родине!»

**Воспитание гармонично развитой молодежи, обладающей высокими патриотическими чувствами, – важнейшее направление проводимой в нашей стране государственной политики.**





В Ташкентском академическом лицее №2 МВД Республики Узбекистан состоялось мероприятие под девизом «Я тот, кто верен Родине!», в котором приняли участие сотрудники специальных подразделений ГУВД Ташкентской области, военнослужащие войсковой части 71/201, преподаватели и учащие лицея.

Выступавшие на мероприятии подчеркивали, что профессия защитника Родины, стража мира и благополучия народа почетна и ответственна. Она требует максимальной самоотдачи, отваги, преданности служебному долгу. Была выражена уверенность в том, что лицеисты в процессе обучения приобретут необходимые профессиональные знания, закалят характер и будут готовы встать в ряды защитников Отчизны, интересов народа.

В рамках мероприятия была организована выставка образцов вооружения и специальной техники. Состоялись показательные выступления военнослужащих, а также лицейской группы «Бургут», в ходе которых демонстрировались боевая выучка и мастерство.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Ташкентская область.*



# ВОЕННОСЛУЖАЩИМ – ОБ ИСТОРИИ

**Согласно Распоряжению Президента Республики Узбекистан «О мерах по подготовке и проведению празднования 29-летия Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Дня защитников Родины», в стране проводится Месячник патриотизма под девизом «Я тот, кто верен Родине!».**



Подобные мероприятия укрепляют в душах юношей и девушек чувство любви и преданности Родине, гордости за свой народ. А помогает им знание отечественной истории.

В связи с этим, в отдельном батальоне по обеспечению безопасности в международном аэропорту «Нукус» МВД Республики Узбекистан по случаю **14 января – Дня защитников Родины** на днях проходило духовно-просветительское мероприятие, в котором приняли участие сотрудники Государственного музея истории и культуры Республики Каракалпакстан, где был продемонстрирован видеоролик о музее и его экспозиции.

В рамках мероприятия также была проведена викторина, в ходе которой военнослужащие отвечали на вопросы. Активные участники викторины были отмечены памятными грамотами от администрации музея.

В завершение мероприятия артисты ансамбля «Айкулаш» Министерства культуры Республики Каракалпакстан представили свою концертную программу.

**Омонкелди САЛИМОВ,**
**майор.**
*Республика Каракалпакстан.*

# ВОСПИТАНИЕ ПАТРИОТИЗМА





В мире существует много профессий, но защитник Родины, пожалуй, – одна из самых почетных. Поддерживая инициативы Президента, выдвинутые им в Послании Парламенту, сотрудники Управления кадров ГУВД г. Ташкента организовали в общеобразовательной средней школе № 317 Сергелийского района праздничное мероприятие, посвященное 14 января – Дню защитников Родины.

В актовом зале школы собрались учащиеся и педагоги. Перед ними выступили сотрудники служб ППС, ДПС и кинологии ГУВД столицы. Театрализованные постановки, патриотические песни в исполнении солистов оркестра ГУВД, а также выступления творческих и спортивных коллективов, подготовленные учащимися академического лицея МВД № 1, придали праздничное настроение и подняли спортивный дух присутствующих.

Во дворе школы сотрудники кинологической службы ГУВД продемонстрировали учащимся навыки своих питомцев. Дети с непередаваемым интересом наблюдали за братьями нашими меньшими, восторгались их «служебной выправкой».

Военная техника, спецвооружение и отточенная тактика сотрудников мобильного отряда оперативного назначения ГУВД г. Ташкента вызвали у мальчишек огромный интерес и подарили им море положительных эмоций.

**Соб. корр.**
**Фото Абдушукура АБДУГАППАРОВА.**



МУЛОҲАЗА

Одамлар орасида «бугун фирибгар кўпайиб кетган», деган гаплар тез-тез қулоғимизга чалинади. Нафсиламрини айтганда, бу гаплар бежиз эмас.

«Фирибгар» сўзи луғатларда алдамчи, найрангбоз, макр қилувчи, ҳийлагар тарзда ифодаланади. Ҳийлагар ҳар бир фирибини обдан ўйлаб, пухталик билан амалга оширади. Макр йўли билан бировнинг мулкини осонгина қўлга киритишга ҳаракат қилади. Улар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Ривожланган, ўзини анча тутиб олган давлатларда ҳам бор. Узоққа бориб нима қилдик, бугун пластик картамиздаги пулларни билдирмасдан ечиб оладиганлар пайдо бўлгани-чи?



# Синалмаганнинг сиртидан ўтманг

**Сарлавҳани ўқиб, ҳушёр тортдингизми? Тўғри қиласиз. Чунки айни замонда огоҳ ва ҳушёр бўлмаган одам ютқазиши мумкин**

Яқинда Термиз шаҳрида 3 нафар аёл шундай қиёфада хонадонлардан пул йиғиб юрганига ўзим гувоҳ бўлдим. Шубҳаланганимнинг сабаби, саволга тутганимда каловланиб қолишди-да, аста жуфтакни ростлашди. Чет элга ишга жўнатаман, ишга киргизиб қўяман, деб содда одамларнинг пулини олиб, бермай юрганлар қанча. Хуллас, фирибгар учун замон ва шароитнинг аҳамияти йўқ. У ҳар қандай вазиятда бунга йўл топади.

Аммо... аммо ёлғонга ишониб кетаверадиган одамларга нима бўлган? Уларнинг кўзи, ақли қаерда? Аксар алданганларнинг ўзи бунга шароит яратиб бермаяптимикан?

Яқинда Музработ туманидаги «Меҳригиёҳ» маҳалласида яшовчи 45 нафар хўжалик вакили маҳалласидаги трансформатор ва кўчалардаги симёғочларни янгилаш, таъмирлаш учун 8 миллион сўм пул жамғаришади. Қўшни маҳаллалик туман электр тармоқлари корхонасида оддий ишчи бўлиб ишлайдиган йигитга хат-ҳужжатсиз пулларни қўшқўллаб бериб юборишади. Пировардида ўша йигит уларни алдаб, 8 миллион сўмга чув тушириб кетади. Энди трансформатор ҳам, симёғоч ҳам, пул ҳам йўқ, йигит ҳам ғойиб бўлган.

Яна кимдир ишга кираман деб пора берган, яна бири машинаси ёки ерини ҳеч қандай хат-ҳужжатсиз насияга қўшқўллаб топширган. Ижтимоий тармоқлардаги хабарларни ўқийверсангиз, охири кўринмайди бундайларнинг. Энг қизиғи, бу ҳолатларнинг юз беришига фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги йўқлиги, етти ўлчаб, бир кесишга одатланмагани сабаб бўлмоқда.

Статистик маълумотларга назар ташласак, бугун мамлакатдаги жиноятларнинг ярмидан кўпи фирибгарлик билан боғлиқ экани аён бўлади. Бу, албатта, ташвишланарли ҳолат.

Хўш, уларни таниб олиш қийинми? Бу тоифа кишилардан қандай сақланиш мумкин?

Тўғри, бугун ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фирибгарлик қилганларни топиб, уларни қонун йўли билан жазолашга уриняпти. Ҳушёр терговчилар, давлат органи ходимлари кўп ҳолларда алданиб қолганларнинг поймол бўлган ҳуқуқи тикланишига катта ёрдам беришмоқда. Қолаверса, бугун давлат барча соҳаларда тартиб-интизом ўрнатяпти. Коррупция, маҳаллийчиликка қарши курашиляпти, кескин чоралар қўлланиляпти.

Лекин бу бошқалар қўл қовуштириб ўтириши керак дегани эмас-да. Ахир, ақл, онг, фикрлаш, олаётган билимларимиз паст-баландга қараб яшаш учун берилган. Кейин кўп ҳолларда, фирибгарлар бегона ва ёки узоқдаги одамдан эмас, яқинимизда, ёнимизда юрган, бизни яхши биладиган таниш-билишимиз орасидан чиқади. Шундай экан, аввало, ҳушёр бўлишга ўрганайлик.

Нотаниш рақамдан қўнғироқ қилиб, сиз катта миқдорда пул мукофоти ютиб олдингиз, деса, шошиб қолиб, дарров пластик картамиз рақами, коди ва шахсий маълумотларимизгача айтишга тушмайлик. Аввал озгина мулоҳаза юритиб, бироз фикр қилишга, шошма-шошарлик билан қарор қабул қилмасликка ўрганайлик. Ёки кимгадир пул қарз беряпсизми, унинг қандай инсонлигини, оилавий муҳитини суриштиринг, билинг. Сўнг қарз олганлиги ҳақидаги ҳужжатни нотариус гувоҳлигида тасдиқлатинг.

Ҳийлагар бир ўйин бошладими, тамом. Минг хил тусда товланади. Ўзини бечорага солиб, жуда қийин аҳволда қолганлигига сизни ишонтиришга уринади. Шундай экан, у дўст-биродар бўладими, қариндош-уруғ бўладими, ўзаро муносабатларда ҳам огоҳ туришни унутмайлик. Ҳуқуқий билимимизни ошириб борайлик. Биздан олдин ўтган боболаримизнинг ўгитларига қулоқ тутайлик. Ахир халқда «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма», «Кўринганни дўст билма», «Ҳушёрни ёв босмас, ёв босса ҳам, дов босмас» деган пурмаъно мақоллар бежиз айтилмаган.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**журналист.**

# «ВАТАН ПОСБОНИ» КРОССВОРДИ

**Диагонал бўйича ўнгга:** 1. Душмандан сақланиш учун бунёд этилган мустаҳкам мудофаа воситалари мажмуи. 9. Қабул қилувчи ва эшиттирувчи кўчма радиостанция. 10. Йирик ҳарбий қисм қўшин бошлиғи.

**Диагонал бўйича чапга:** 1. Юқори даражадаги ижодий қобилият, лаёқат. 8. Қўшни давлатларнинг сувдаги ва қуруқликдаги ҳудудини кўрсатувчи чизиқ. 10. Шижоати, довюраклиги, ботирлиги билан шуҳрат қозонган, мардлик кўрсатиб танилган инсон.

**Энига:** 2. Автомат қуролнинг патрон жойлашадиган, айлана шаклидаги ўқдони. 11. Мақолдан: «... майдонда синалади».

**Ҳарфлар бўйича «занжир» ҳолида:** 3. Ҳарбий қисмларни бошқарувчи асосий орган. 4. Давлат рамзи. 5. Милтиқ қисми. 6. Тарихда истеҳкомлар билан таъминланган шаҳар. 12. Қуролли Кучлар мажмуи. 13. Милтиқнинг учи ўткир қисми. 14. Ҳаво ҳужумига қарши қўлланадиган қурол.

**Бўйига:** 7. Ҳарбий билим юрти талабаси. 12. Аскарнинг қатъий ваъдаси.




Фозилжон ОПРИПОВ тузди.

14 ЯНВАРЯ – ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ

# Повышают боевое мастерство

**В войсковых частях и подразделениях Караульных войсках МВД Республики Узбекистан проводятся последовательные реформы. Для повышения боевой готовности войск и качественного исполнения служебных задач на новый уровень выдвинута работа по модернизации и обновлению военной техники и вооружения. В образовательно-воспитательный процесс внедряются современные инновационные технологии.**



В Караульных войсках продолжается учеба, направленная на дальнейшее повышение уровня профессиональной подготовки всех категорий военнослужащих, освоение ими новых образцов вооружения, военной и специальной техники.

В подразделениях отмечается рост профессионализма личного состава. Особое внимание уделяется внедрению в методику обучения эффективным тактическим действиям. Продолжается совершенствование деятельности органов управления с использованием современных автоматизированных систем управления и средств связи. Боевая выучка войск повышается, развивается принцип состязательности.



В батальоне Караульных войск МВД, которым командует подполковник Эргашбай Турабаев, проводится целенаправленная работа по обновлению материально-технической базы, улучшению социально-бытовых и жилищных условий военнослужащих. Широко развита школа наставничества. Молодое пополнение закрепляется за опытными воинами, которые в процессе совместной службы передают свой богатый опыт и делятся знаниями.

Личный состав войсковой части № 7553 Караульных войск выполняет ответственные задачи по охране особо важных объектов. Военнослужащим по контракту отведена ведущая роль в обеспечении высокой боевой и политической подготовки личного состава, сохранении здоровой духовно-нравственной среды и воинского порядка и дисциплины в войсковых частях и подразделениях. Каждые сутки сменный караул заступает на пост охраны. Воины обеспечены необходимым обмундированием.

В распоряжении военнослужащих имеются спортивный зал, оснащенный современными тренажерами, библиотека, фонд которой содержит различную учебную и художественную литературу и регулярно пополняется свежей периодикой. Желающие могут повысить компьютерную грамотность – в специальном зале установлены компьютеры последних моделей.

Представители подразделения участвует в спортивных состязаниях, в том числе по рукопашному бою, и занимают призовые места. Традиционным стало проведение конкурсов на выявление лучших в воинских специальностях. Все это способствуют росту профессионального мастерства молодых воинов.

Недавно городской хокимият выделил участок земли, на котором будут возведены современный контрольно-пропускной пункт, комната для приема граждан, зал для проведения занятий по духовности и просветительству, учебные классы.

Создаваемые для личного состава условия будут способствовать повышению эффективности службы на благо любимой Родины.

**Кахрамон МАРДОНОВ,**
**подполковник.**
**Фото Бориса КЛЕЙМАНА.**

# ОСНОВА УСПЕХА – ДОВЕРИЕ И ВЗАИМОУВАЖЕНИЕ



**Профессия следователя в своей основе предполагает аналитический склад ума, умение выделять главное из массы второстепенной информации, широкий кругозор и желание постоянно совершенствоваться. От этих основополагающих качеств зависит, в первую очередь, насколько будет успешен и продуктивен труд следователя, его умение найти истину в любом, даже самом сложном и запутанном деле.**

Старший дознаватель следственного отделения при ОВД № 3 УКД ОВД Бектемирского района г. Ташкента лейтенант Шохрух Бозоров пришел в следственное звено, продолжая династию сотрудников органов внутренних дел. Его отец, старший инспектор профилактики правонарушений подполковник Шавкатжон Бозоров, уже более двадцати лет служит в УКД ОВД Яшнабадского района, по праву заслужил почет и уважение окружающих. Так что равняться Шохруху есть на кого, причем пример для подражания более чем убедительный.

Окончив столичный авиационный колледж, Ш. Бозоров поступил в Академию МВД Республики Узбекистан, выбрав следственное направление. После окончания Академии, в 2019 году талантливого и способного юношу направляют в СО при ОВД № 3 УКД ОВД Бектемирского района столицы, где он служит по сей день.

Молодому специалисту пришлось на первых порах нелегко – кроме теоретических знаний необходимы были и практические навыки. В этом ему очень помог наставник – подполковник Джейхун Ахундов. Опытный следователь посвящал своего подопечного в тонкости профессии, щедро делился знаниями, помогал сориентироваться в той или иной ситуации, принять правильное решение.

– Широкой души, отзывчивый и талантливый, наставник многому меня научил, – рассказывает лейтенант Ш. Бозоров. – Прежде всего, умению наладить контакт как с подследственным, так и с потерпевшим. У каждого из нас – свой характер, мировоззрение, поэтому умение расположить к откровенности, прямому и честному разговору, основанному на доверии и взаимоуважении, считаю очень важным в работе следователя. Однажды мне было поручено расследовать уголовное дело со многими фигурантами. Один из них, по досадному стечению обстоятельств, попал в трудное положение, запутался в сложившейся ситуации и искал из нее выход. Вместе мы расставили все на свои места, и картина прояснилась. Ныне мой бывший подследственный живет в семье, все у него наладилось.

Шохрух Бозоров, несмотря на молодость, уже завоевал уважение в коллективе, в котором служит. Впереди у него целая жизнь, и по выбранному пути он идет достойно.

***Георгий ПЕТРОСЯН,***
**корреспондент «На посту».**

# НИҲОЛ

## ёшлар саҳифаси





**Барчиндек абжир ва чаққон бўлишга интилиш Сурхон қизларига хос одат. Чунки ниҳоллар илдиздан қувват олганидек, қизлар момоларининг сийратидан куч олади.**

## ОТАСИНИНГ ҚИЗИ

Шўрчилик Мадина Зоидованинг спортга иштиёқи ана шу оловюрак момоларига бўлган ҳавасдан уйғонган бўлса, ажаб эмас. У 14 ёшидан бошлаб спортнинг ашихара каратэ тури билан шуғулланиб келади.

Табиатан камсуқум Мадина мусобақаларда шиддат ва абжирлик билан рақибига ҳамла қилади. Шунданми, унинг мактаб давриданоқ эришган ютуқларини кўриб, ота-онаси ва устозлари фахрланишарди. Ахир, фарзандининг 5 карра Ўзбекистон чемпиони бўлишдек бахтни ҳис қилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Айни пайтда ИИВ Сурхондарё академик лицейида таҳсил олаётган Мадина Зоидова ўтган йили ашихара каратэ бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида, шу йилнинг 12 декабрида 16–17 ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 55 килограмм вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритди.

– Отам билан болалигимдан уйда турли машғулотлар олиб борардик, — дейди Мадина Зоидова. – Кейин қўлимдан етаклаб спорт тўгарагига олиб борди. Мусобақаларимда доим ёнимда турди. Ҳар сафар шоҳсупага кўтарилганимда ҳаммадан ҳам ушалмаган орзулари мен орқали амалга ошаётганидан бахтиёр отамнинг чеҳраси кўз олдимда гавдаланаверади. Бу менда янада кучли ва қатъиятли бўлиш ҳиссини уйғотади.



Мадинанинг орзулари бир олам. У ички ишлар органларида хизмат қилиш билан бирга, спортда ҳам бундан-да каттароқ ютуқларга эришишни ният қилган. Унинг беғубор орзулари қанот ёзишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

## БАХТЛИ КУНЛАР ДАВОМИ БОР

*Олисларга учган юлдуз,*
*омонмисан?*
*Сўйлай сенга дилда*
*қолган гапларимни.*
*Қайга шошдинг,*
*келажакка томонмисан?*
*Олиб боргин янги йилга*
*бахтларимни.*

*Ойдин кеча ой гувоҳдир барчасига,*
*Янги орзу, янги режа янги йилда.*
*Термуламан шоҳкўчанинг*
*арчасига;*
*Орзум олиб қочган юлдуз –*
*тепасида.*

*Оппоқ орзу каби ёғар кўкда*
*оқ қор,*
*Олқишлаймиз сени яна*
*айтиб алёр.*
*Янги йилда кутар бизни*
*янги дийдор,*
*Янги йилда бахтли кунлар*
*давоми бор.*

**Асадбек АБДУЛЛАЕВ,**
**ИИВ Бухоро академик лицейи ўқувчиси.**

## ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

*Бу кун ўзгачадир, ўзгарар олам,*
*Унда нурафшон тун,*
*бахтлидир одам.*
*Бу кун яна бир йил*
*ташлайди қадам*
*Янги йил, омадлар билан*
*кириб кел.*

*Меҳмонга мунтазир*
*дастурхонимиз,*
*Дўстларга фидодир*
*жисму жонимиз.*
*Қувончларга буркаб*
*ҳар бир онимиз,*
*Янги йил, барокат*
*билан кириб кел.*

*Айтиб самимий ва*
*ширин сўзларни,*
*Дийдорига тўйиб нурли юзларни,*
*Доим қувонтириб қаро кўзларни,*
*Янги йил, муҳаббат*
*билан кириб кел.*

*Биз сени кутамиз*
*меҳримиз тошиб,*
*Ҳар бир сонияни санаймиз шошиб,*
*Бахтли онимизга яна завқ қўшиб,*
*Янги йил, маърифат*
*билан кириб кел.*

**Ноила ЖЎРАЕВА,**
**ИИВ Қашқадарё академик лицейи ўқувчиси.**

## ОТАМ — ФАХРИМ

**Мен келажакда ички ишлар органлари ходими бўлмоқчиман. Бу касбга муҳаббатни соҳада узоқ йиллардан буён хизмат қилаётган отам уйғотган. Шунингдек, ундан тартиб-интизом, қатъият ва масъулиятни ўзимга яхши маънода юқтирганман, десам адашмайман. Борлиғини одамлар тинчлиги ва осойишталигини сақлашга бахшида этган отамни кузатар эканман, бу соҳанинг нақадар шарафли ва машаққатли эканлигини чин юракдан ҳис этаман.**



Отам Ойбек Эшбеков ички ишлар органларидаги фаолиятини 2003 йилда Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида профилактика инспектори лавозимида бошлаган. Кейинчалик жиноят қидирув хизматида, Зомин, Ғаллаорол ва Фориш туманларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 2020 йилдан буён Зафаробод тумани ички ишлар бўлимига раҳбарлик қилаётир.

Соҳани яхши билмайдиганлар учун бу соҳа вакилининг иши машаққатсиздек туйилиши мумкин. Ички ишлар органлари ходимининг фарзанди сифатида отам зиммасидаги масъулиятни теран сезаман, жиноятчи билан юзма-юз бўлиш, хоҳ кундузи, хоҳ кечаси эл тинчлигини асрашга бел боғлаган инсонлар қанчалар ирода ва матонатга эга бўлишини яхши англайман.

**Бундай инсоннинг фарзанди бўлиш, ғурур билан бирдек масъулият ҳиссини уйғотади. Отамнинг, умуман ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини кузатиб, амин бўлдимки, мен фақат шу соҳада хизмат қилишим керак.**

Бундай инсоннинг фарзанди бўлиш, ғурур билан бирдек масъулият ҳиссини уйғотади. Отамнинг, умуман ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини кузатиб, мен ҳам фақат шу соҳада хизмат қилишни ният қилганман. Айни пайтда ИИВ Жиззах академик лицейида таълим олаяпман. Кейинги манзилим Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси эканлигига ҳам ишонаман. Отамнинг, халқимизнинг муносиб фарзанди бўлишга, ватанпарварликни ҳаётим мазмунига айлантиришга ваъда бераман.

**Элбек ҚАРШИБОЕВ,**
**ИИВ Жиззах академик лицейи ўқувчиси.**



## ПОСБОНЛАР

*Хоҳ кун, хоҳ тун бўлсин,*
*тўрт фаслда ҳам,*
*Ватанни қўриқлар*
*жасур посбонлар.*
*Ўнқир-чўнқир йўллар,*
*тоғу тошларни,*
*Писанд ҳам қилмас бу*
*жасур арслонлар.*
*Уларга ҳамроҳдир, мардлик,*
*шижоат,*
*Қадамлари шахдам,*
*нигоҳлари ўқ.*
*Кулиб қарши олар қийинчиликни,*
*Ватан хизматига*
*шаймиз дегандек.*

**Азамат АКРОМАЛИЕВ,**
**ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси.**

Саҳифа материалларини Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# «МЕН ҲАМ ҲАРБИЙ БЎЛАМАН!»



**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли 7251-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари учун унутилмас таассуротларга бой ўтди.**

Дастлаб бир гуруҳ ҳарбийлар пойтахтимизда жойлашган «Ватанга қасамёд» монументи пойига гул қўйиб, Ғалаба боғига ташриф буюришган бўлса, ҳарбий қисм бўлинмалари ўртасида «Ватаннинг шерюрак баҳодирлари» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди.

«Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида садоқат, жасорат, матонат туйғуларини мустаҳкамловчи ҳаёт мактабидир» шиори остида ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» ҳам кўпчилик учун эсда қоларли бўлди. Шу куни ҳарбий қисмга яқин атрофда жойлашган мактабларнинг ўқувчилари таклиф қилинди.

Тадбир аввалида ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида ҳарбийлар, ўқувчи ёшлар давлатимиз мадҳиясини баланд овозда ижро этишди. Ҳарбийларнинг саф майдонидан шахдам қадамлар билан ўтиши эса ёшларнинг қалбини ғурур-ифтихорга тўлдирди. Айниқса, ватанпарварлик туйғусини жўш урдирувчи қўшиқнинг саф ҳамоҳанглигида жўр бўлиб куйланиши ўқувчиларга ўзгача таъсир қилди.

Тадбир кўргазмали томошалар билан давом этди. Ўқувчи ёшлар ҳарбий техникалар ва қурол-аслаҳаларни кўздан кечириб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Ҳарбий техникаларни, қурол-аслаҳаларни диққат билан кузатаётган 11–12 ёшли бола эътиборимизни тортди.

– Бу ерда «Очиқ эшиклар куни» тадбири бўлаётганини эшитиб, устозимиз билан келдик, – дейди 212-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Ҳ. Зиёдуллаев. – Аскарлар фойдаланадиган қуролларни ушлаб кўтариб кўрдим, бироз оғир экан. Катта бўлсам, мен ҳам ҳарбий бўламан.

Тадбир якунида ҳарбий қисм жанговар гуруҳи томонидан намойиш этилган жанговар чиқишлар ёшлар учун совға бўлди. Улар томонидан бажарилаётган профессионал ҳаракатлар, қўл жанги усуллари қарсаклар билан олқишлаб турилди.

Байрам муносабати билан ташкил қилинган тадбирлар давом этиб, ҳарбий қисмга намунали хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва аскарларнинг ота-оналари ташриф буюрди. Уларга мард ва жасур фарзандни тарбиялаб вояга етказгани учун миннатдорлик билдирилиб, ташаккурномалар топширилди.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**







СПОРТ

# ИИВ ТЕРМА ЖАМОАСИ – МУТЛАҚ ҒОЛИБ

**Мамлакатимизда аҳоли ўртасида спортни янада оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрь кунидаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаряпти. Мазкур ҳужжат юртимизда спортни кенг тарғиб этиш, халқимиз соғлиғини асраб-авайлашга, аҳолининг барча қатламини жисмоний чиниқтиришга хизмат қилмоқда.**




Жорий йилнинг 8-9 январь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийлаштирилган тузилмалар ходимлари ўртасида спортнинг қўл жанги тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Президент давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитаси ходимлари ғолиблик учун курашдилар.

Қизғин ва муросасиз кечган саралаш ҳамда финал беллашувларида спортчилар 9 та вазн тоифасида баҳс олиб бордилар. Мусобақада икки йилдан буён биринчиликни қўлдан бермай келаётган ИИВ жамоаси учинчи маротаба ҳам мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни Давлат хавфсизлик хизмати, учинчи ўринни Мудофаа вазирлиги терма жамоалари эгаллади. Учта вазн тоифасида Ички ишлар вазирлиги жамоаси аъзолари – Ғолиб Нормуродов, Аббос Қодиров ҳамда Жаҳонгир Жумаев 1-ўринни эгалладилар. Уч нафар финалчимиз кумуш ҳамда уч иштирокчимиз бронза медалга сазовор бўлди. Тантанали тақдирлаш маросимида ғолиб ва совриндорларга медаллар, дипломлар ҳамда мусобақа кубоги топширилди.

Мазкур мусобақага тайёргарлик жараёнлари Навоий вилоятида олиб борилди. Иштирокчиларнинг 6 нафари Навоий вилояти ИИБ тизимида фаолият олиб бораётган фидойи ходимлардир. Вазирлик терма жамоаси эришган муваффақият навоийликларга икки ҳисса ғурур ва ифтихор туйғуларини бахшида этди. Негаки, ходимларимиздан беш нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олди. Жумладан, 65 килограмм вазн тоифасида Олим Нурмуродов ҳамда 70 килограмм вазн тоифасида Аббос Қодиров 1-ўринни қўлга киритди. 55 килограмм вазн тоифасида Ҳасан Ўроқов, оғир вазн тоифасида Бегзод Эшпўлатов 2-ўринни эгаллаган бўлсалар, 60 килограмм вазн тоифасида Шаҳбоз Турсунова 3-ўрин насиб этди.

**Улуғбек ШАРИПОВ,**
**подполковник.**

ЗДОРОВЬЕ

# Признаки нехватки витаминов и как их восполнить




**Зимой организму может не хватать витаминов, микроэлементов и биологически активных веществ. На их недостаточности может сказаться и рацион питания. Если вы, к примеру, употребляете мало растительных продуктов, то будете испытывать дефицит витаминов B и C. Отказ от продуктов животного происхождения приводит к нехватке витаминов A, D и E.**

**То, в каком именно витамине нуждается ваш организм, можно определить самостоятельно.**




Недостаток **витамина A** (ретинол) характеризуется сухостью кожи, ломкостью волос, заболеванием глаз, гастритом, диареей. Восполнить его нехватку помогут морковь, тыква, брокколи, дыня. В большом количестве он содержится в паприке, шалфее, боярышнике, карри, душице, базилике. Среди продуктов животного происхождения ретинол находится в рыбьем жире, печени трески, молоке, яйцах, сливочном масле.

О нехватке **витамина E** (токоферол) могут свидетельствовать повышенная проницаемость и ломкость капилляров, мышечная слабость, анемия. Его содержат растительные масла (соевое, кукурузное, подсолнечное), маргарин, грецкие и лесные орехи, миндаль, семена подсолнечника, ростки пшеницы.

Недостаток **витамина D** (кальциферол) может проявляться в судорогах, нарушении психомоторных реакций, склонности к переломам костей и их медленном срастании. Он содержится в лососе, сардинах, жирной рыбе, сельди, консервированном тунце, масле печени трески, яичных желтках, грибах, коровьем молоке.

Если у вас наблюдается общая слабость, быстрая утомляемость, частые простуды, значит вы испытываете недостаток **витамина C** (аскорбиновая кислота). Включите в рацион шиповник, сладкий перец, смородину, облепиху, петрушку, укроп, капусту брюссельскую, белокочанную или цветную, картофель, помидоры, яблоки, ананасы, цитрусовые.

О недостатке **витамина $B_1$** (тиамин) говорят раздражительность, ухудшение аппетита и сна, часто немеют руки или ноги, появляется ощущение слабости в ногах, частое сердцебиение, ухудшение памяти. Восполнить нехватку помогут кукуруза, ржаной хлеб, фасоль, шпинат, морковь.

Характерными признаками недостатка **витамина $B_2$** (рибофлавин) могут стать трещины на губах и в углах рта, светобоязнь, анемия. Рибофлавин содержится в куриных яйцах, молоке, твороге, сыре, печени и почках. Идеальным источником считаются рыба, зеленый горошек, гречка, овсянка.

Из-за нехватки **витамина $B_5$** (пантотеновая кислота) появляются шелушение кожи, поседение и выпадение волос, усталость, упадок сил. Его содержат свекла, гранат, чернослив, ягоды шиповника, морковь.

При появлении описанных симптомов следует обратиться к врачу. Будьте внимательны к состоянию здоровья, обращайте внимание даже на незначительные отклонения от нормы.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

# 7 способов перестать вести сидячий образ жизни



**Каждый день мы выходим из офиса, садимся в машину и едем домой, где нас ждет родной и уютный диван, хотя знаем, что такое гиподинамия и какими последствиями она грозит. Бороться с ней можно только активностью. К примеру, ежедневная часовая пешая прогулка в хорошем темпе (например, в обеденный перерыв) на 14% снижает риск развития рака груди, содержание сахара в крови, угрозу возникновения диабета, сердечно-сосудистых заболеваний и депрессии.**



Но и сидя на рабочем месте, можно сделать немало для своего здоровья.

**1.** Сделайте несколько разминочных движений перед началом работы:

– медленно и с усилием потянитесь подбородком как можно ниже к груди, затем отведите голову назад, наклоните в одну и в другую стороны, выполните головой вращательные движения;

– подтяните плечи максимально вверх, опустите вниз, подвигайте ими вперед и назад, а затем по кругу в обе стороны;

– по такому же принципу (вперед, назад, вправо, влево и по кругу) разомните мышцы грудного и, по возможности, тазового отдела – это позволит телу скорректировать осанку и держать спину правильно. В целом такая разминка улучшит кровообращение, клетки мозга начнут насыщаться кислородом, а вы, соответственно, лучше работать.

**2.** Поставьте напоминание в телефоне или на рабочем столе компьютера о том, что каждый час надо отрываться от экрана и менять позу. Лучше всего встать и совершить несколько движений (например, как описано выше), сделать приседания или же пешком подняться на пару этажей и спуститься обратно.

**3.** Используйте любой повод, чтобы встать со стула. Например, чтобы поговорить по телефону; сходить в соседний отдел, вместо того чтобы бесконечно переписываться с коллегами в сети, подойти к окну, сделать несколько глубоких вдохов-выдохов и посмотреть вдаль, чтобы дать отдохнуть глазам.

**4.** Предложите коллегам пообщаться на улице, если погода позволяет. У вас наверняка появятся свежие идеи и решения!

**5.** Бросьте привычку жевать за компьютером, даже если на обед у вас запланированы лишь несколько листьев салата.

**6.** Купите себе шагомер (или установите приложение в смартфоне) и в конце рабочего дня проверяйте свои достижения. Всемирная организация здравоохранения рекомендует совершать не менее 10 000 шагов в день. Просто запомните эти цифры: неосознанно день за днем вы начнете двигаться все больше, чтобы к вечеру иметь приятную возможность заслуженно себя похвалить!



# Детская страничка

## ЧТО ДОРОЖЕ
## (Осетинская сказка)

Давным-давно жили в одном селении два юноши. Как сойдутся они, сейчас же разговор заводят.

– Эх, – скажет первый, – если бы у меня было сто кобылиц, был бы я самым счастливым человеком на свете!

– Что кобылицы! Вот если бы у меня было сто друзей, тогда я был бы счастливее всех! – скажет другой.

Как-то раз встретились они и снова завели разговор: что всего дороже. Долго спорили и наконец решили так: пусть каждый отправится в путь. Кому нужны кобылицы, пусть собирает кобылиц; кому нужны верные друзья, пусть ищет себе верных друзей.



Много ли прошло времени, мало ли – вернулись оба юноши в своё селение и стали расспрашивать один другого.

– Ну что, удачны ли твои поиски? – спросил первый юноша.

– Удачны, – ответил второй. – Я нашёл девяносто девять друзей. А как твои дела?

– И мои не плохи: я приобрёл девяносто девять прекрасных кобылиц.

Тогда второй юноша сказал:

– Если тебе не хватает только одной кобылицы, я подарю тебе свою – самую красивую, самую быструю!

– А я буду тебе верным другом, – ответил первый юноша.

Второй юноша пришёл к своей матери и стал рассказывать ей о том, где побывал, что видел в пути, как и с кем подружился.

– Теперь я самый счастливый, ведь у меня ровно сто друзей!

Выслушала его мать и сказала:

– Всё это хорошо, сынок. Но прежде испытай на деле, настоящие ли они друзья, а уж тогда только ты сможешь сказать, что счастлив.

Сел юноша на коня, поехал по всем селениям, где нашёл друзей, и объявил им, что его постигло несчастье и он лишился всего.

В ту же ночь, как он уехал, у первого юноши случилась настоящая беда: у него украли всех его кобылиц.

А второй юноша прискакал в своё селение и сказал матери:

– Мои друзья – настоящие друзья. Посмотрела бы ты, как они огорчились! Каждый стал предлагать мне и деньги, и одежду, и коней. Да вот, сама посмотри!

Глянула мать и видит: со всех сторон едут к их селению люди – кто гонит скот, кто везёт хлеб, кто птицу, кто одежду, посуду.

Подъехали к дому и говорят:

– Не отказывайся, друг. Не обижай нас своим отказом.

Оставили они свои подарки, пожелали счастья и разъехались по своим селениям.

– Верно ты говорил, сынок, – сказала мать, – это настоящие друзья. Можешь считать себя счастливым!

И она рассказала сыну, как ограбили в эту ночь его друга. Тогда сын отдал другу всё, что получил от своих друзей, и сказал:

– Не горюй и пойми: когда у человека есть друг, он не останется в беде!

– Верно, – сказал первый юноша. – Теперь я и сам вижу, что дороже всего не богатство, а верный друг. Ты мне это доказал своим примером.

## Найдите 10 отличий






## ГОВОРЯТ ДЕТИ

Подходит ко мне дочка (5 лет) с планшетом в руках.

– Пап, мне нужна твоя помощ, как эксперта.

– Какая ?

– Ты умеешь читать?

---

Игорёк (6 лет).

– Мама, наша бабушка уже совсем ничего не соображает...

– Это почему же?

– Когда мы к ней в гости приезжаем, она меня не узнаёт. Каждый раз спрашивает: «Ой, кто это к нам пришёл?!»

---

Мама:

– Да, Вероника, наверное, мы тебя избаловали... Наверное, придётся тебя наказывать!

Дочка:

– Как это, вы избаловали, а меня наказывать?

---

Папа – своей дочери (6 лет) за столом: «Когда я ем я глух и нем».

Она, посмотрев на него: «А я нормальная...»

---

Максимка (3 годика) загадал папе загадку: «Что у меня в руке на букву «А»?

Папа измучился в догадках, переврал все что можно, и, отчаявшись угадать, сказал: «Сдаюсь».

Макс, гордо разжав ладошку, сообщил: «Ат машинки колесо!»

---

– Мам, а у тебя компьютер в детстве был?

– Нет.

– А дивиди?

– Нет!

– А сотовый?

– Нет!!!

– Мам, а ты! динозавров видела?!

ПРЕДАННЫЕ СВОЕМУ ДЕЛУ



# ЕДИНСТВО ЦЕЛЕЙ И СПЛОЧЕННОСТЬ

**Махалля – действенный орган самоуправления граждан, одно из важнейших звеньев, объединяющих общество. Испокон веков она была и остается центром решения насущных жизненных вопросов населения. Как подчеркнул Президент страны, махалля – зеркало нашего общества, именно она должна быть обителью мира, благополучия и взаимоуважения.**

В махалле им. Мукими города Нурафшон Ташкентской области в 473 частных домовладениях проживает свыше 2,3 тысячи человек. Махалля многонациональная: здесь дружно живут узбеки, казахи, русские, корейцы, татары, представители других национальностей.

На территории махалли функционируют две общеобразовательные школы, ряд объектов социально-бытового назначения, торговые точки.

Ответственность за обеспечение правопорядка на данной административной территории с 2017 года возложена на инспектора профилактики ОПП ОВД города Нурафшон старшего лейтенанта Зафара Уразалиева, который осуществляет свою деятельность в тесном взаимодействии с общественностью. Председатель МСГ, депутат городского Кенгаша Джура Ахмедкулов, активисты Илмира Алавитдинова, Алишер Ахмедов, Барно Орипова и др. принимают непосредственное участие в мероприятиях, направленных на раннее предупреждение правонарушений, выявление и устранение причин и условий их совершения.

– Основная цель совместной работы – практическая реализация положений концепции «Безопасная и благоустроенная махалля», утверждение среди жителей атмосферы взаимного уважения и сплоченности, – говорит старший лейтенант З. Уразалиев. – С гордостью могу отметить, что в результате проводимой деятельности за два последних года на вверенном участке не допущено совершения ни одного преступления.

Инспектор профилактики и активисты махалли осведомлены об успехах и проблемах каждой семьи. Люди обращаются к ним, говорят о волнующих их вопросах, вместе находят решения. Большую помощь оказывают общественные комиссии, без излишнего бюрократизма рассматривающие обращения по оказанию материальной помощи малообеспеченным семьям, лицам, не имеющим кормильца, инвалидам.

**В центре внимания – вопросы обеспечения занятости махаллинцев. При поддержке Центра содействия занятости населения граждане трудоустраиваются в частные фирмы, предприятия, выдаются также направления на оплачиваемые общественные работы. Кроме того, в рамках программы «Каждая семья – предприниматель» жители получают рекомендации на получение льготных кредитов для занятия предпринимательством.**

– Под особый контроль взяты неблагополучные семьи, а также лица, склонные к совершению правонарушений, в том числе 15 лиц, состоящие на профилактическом учете, ранее судимые и подучетные группы пробации. С ними регулярно проводим профилактические беседы о необходимости ведения достойного образа жизни, – продолжает старший лейтенант З. Уразалиев. – При осуществлении данной работы опираемся на Совет старейшин, который возглавляет Абдурасул ака Маюсупов. Почтенные аксакалы, видавшие много на своем веку, пользующиеся заслуженным уважением, всегда готовы дать дельный совет, направить на правильный путь оступившегося. Так, недавно обсудили поведение С. Н., который в последнее время стал дебоширить, злоупотреблять спиртными напитками, в результате чего в его семье сложилась нездоровая нравственно-психологическая обстановка. Старейшины приструнили зарвавшегося мужчину, ему поставлено на вид, что он ответственен за семью, за воспитание подрастающей дочери. Гражданин предупрежден: в случае продолжения такого поведения, к нему будут применены соответствующие меры воздействия.

Большая согласованная работа, проводимая в махалле им. Мукими, способствует достижению положительных результатов в профилактике правонарушений, укреплению правопорядка. В том, чтобы здесь царила атмосфера мира и добрососедства, заинтересованы сами жители, а потому они, проявляя ответственность, активно участвуют в данной деятельности.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Ташкентская область.*

# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 18 по 24 января)***



**Овен.** Неделя выдастся спокойной, удачной и в смысле общения с людьми, и с финансовой стороны – вы получите ожидаемую прибыль. В середине недели благоприятны любые процедуры, касающиеся здоровья. Уделяйте больше времени друзьям, им это необходимо.



**Телец.** Желательно не держать негативные эмоции в себе. Выпустите пар, но сделайте это гуманным способом. В семейных отношениях может возникнуть недопонимание. Вы сами не сможете изменить ситуацию, так что ждите шага со стороны домочадцев.



**Близнецы.** В личных делах возможно недопонимание из-за вашей загруженности на работе. Придется идти на компромисс. Обратите внимание на здоровье: велик риск обострения хронических заболеваний. Выходные постарайтесь провести на природе.



**Рак.** Наконец наступил период, когда вы можете расслабиться. Проблемы отступят, с близкими наладятся прекрасные отношения. Время благоприятно для любого отдыха, проведения отпуска, встреч с друзьями. Запланируйте поездку и не думайте о делах.



**Лев.** Доверьтесь интуиции. Она подскажет, кому можно верить в вашем окружении, а кому нет. Могут возникнуть небольшие финансовые проблемы, но надолго они не задержатся. А вот на самочувствие стоит обратить особое внимание.



**Дева.** С самооценкой в данный период будет непросто. Вам покажется, что вы ни на что не годны. Займитесь новыми проектами, чтобы поверить в себя. В начале недели высока вероятность встречи с человеком, который сыграет важную роль в вашей жизни.



**Весы.** Ожидайте нападок со стороны окружающих и будьте готовы дать отпор! Никто, кроме вас, в этой ситуации не поможет. Больше отдыхайте и занимайтесь приятными делами. Ближе к концу недели ждет интересное деловое предложение, и вы должны быть к нему готовы.



**Скорпион.** Активность будет на максимуме. Используйте ее для решения как служебных, так и бытовых вопросов. Любые сделки с недвижимостью – под запретом, зато иные финансовые вложения делать можно. Только для начала посоветуйтесь со специалистом.



**Стрелец.** Наступает приятное время. Близкие будут радовать и удивлять, на работе возможно увеличение зарплаты или повышение в должности. Будьте внимательны к окружающим. Им может понадобиться ваша помощь. Не отказывайте в ней.



**Козерог.** Пора поставить жизнь на паузу и задуматься: в верном ли направлении вы движетесь? Присмотритесь к друзьям. Возможно, пришло время попрощаться с кем-нибудь из них.



**Водолей.** Множество приятных и даже судьбоносных встреч ожидает вас в данный период. Хорошее настроение захватит ум и сердце. Наслаждайтесь им. И обязательно прислушивайтесь к интуиции.



**Рыбы.** Вас ждет неплохая прибыль, финансовый успех. Особенно это касается первой половины недели. Ваш семейный доход значительно вырастет. Очень хорошо обстоятельства будут складываться и в профессиональных делах – ожидаются рост и процветание.



# СОҒИНГАНИМ ҲАҚИҚАТ

(Постда турган аскарнинг хаёлидан кечганлари)

*Соғинчли салом хат,*
*Соғинганим ҳақиқат...*

*Ассалому алайкум,*
*Меҳрибоним онажон!*
*Ушбу ёруғ дунёда*
*Бормисиз соғу омон?*

*Димоғи чоғми, отам*
*Тани-жони омонми?*
*Укамнинг бўй-бастидан*
*Бошларингиз осмонми?*

*Синглим Гавҳарбонунинг*
*Тиши тўлиқ чиққандир?*
*Қўйлар ҳам кўпайишиб,*
*Тарғилимиз туққандир?*

*Мендан хавотир олманг,*
*Юрибман соғ-саломат.*
*Эрка-тантиқ ўғлингиз*
*Аскар бўлган аломат.*

*Қадамимдан ўт чақнаб,*
*Хизмат қилиб юрибман.*
*Қўлимда автоматим –*
*Бугун постда турибман.*

*Қорним тўқу устим бут,*
*Димоғим чоғ, хизмат соз.*
*Ҳаммаси зўру, фақат...*
*Соғинч қийнайди бироз.*

*Қўни-қўшни, қариндош –*
*Ҳаммага мендан салом.*
*Соғ-омон кўришайлик,*
*Шу билан хатим тамом.*

*Зуҳра юлдуз кўз қисиб,*
*Ой ҳам секин ботмоқда.*
*Уфқ аста бўзариб,*
*Мунаввар тонг отмоқда.*

*Негадир ўпкам тўлиб,*
*Кўзим ўхшади намга.*
*Командир кўрмасин деб,*
*Аста артдим шапкамга.*

*Сувдай зилол, сутдай оқ*
*Тонгингга фидо жоним.*
*Дунё тургунча тургин,*
*Юртим – Ўзбекистоним.*

**Бобомурод ТОШЕВ.**

## АСКАР ХАНДАЛАРИ

Ҳарбий округ штабидан ташриф буюрган текширувчига уч нафар аскарни энг чапдаст жангчилар сифатида таништиришибди. Улардан икки нафари бақувват, давангир, учинчиси қилтиллаган, паст бўйли экан.

Текширувчи биринчи аскардан сўраяпти:

— Хўш, сен кимсан?

— Оддий аскар Остонов. Эркин кураш ва бокс бўйича спорт устасиман.

— Баракалла, азамат! Сен-чи, сен кимсан?

— Оддий аскар Тўхтаев. Каратэ бўйича қора белбоғ соҳибиман, шунингдек, бир қатор яккакураш турлари устасиман.

— Баракалла, полвон! Хўш, — мурожаат қилди у нимжон аскарга менсимаган оҳангда: — Сен-чи, сен ким бўласан?

— Оддий аскар Қосимов. Шахмат бўйича спорт устасиман. Мана бу иккаласига командирлик қиламан!

Икки десантчи самолётдан парашютда сакрамоқчи бўлиб тайёрланиб туришса, бири иккинчисига дебди:

— Сакрашдан олдин биттадан олма еб олмаймизми?

— Майли, — дебди шериги.

Иккала десантчи олма еб бўлгач, боягиси яна сўрабди:

— Хоҳласанг, яна биттадан олма еймиз...

— Майли, бер, — дебди шериги.

У олмани еб туриб, ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Ўзи бу олмаларни қаердан оляпсан?

— Сенинг елкангдаги рюкзак шунақа олмага лиқ тўла экан, — дермиш шериги.





**Postda** На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Foziljon MAMASHARIPOV
DINARA SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

9 772010 535001

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4509.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 51 850 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.